O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.N

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 37-38 (270-271) • 2010 йил 28 сентябрь

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан **www.norma.uz** сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## РЕКЛАМАДАГИ РЕКЛАМАЦИЯ

**2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ-259-сон Қонун билан «Реклама тўғрисида»ги Қонунга** *(1998 йил 25 декабрдаги 723-I-сон)* **ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-1-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Эндиликда рекламада шунингдек ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш; маҳсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш; иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шарти қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш; маҳсулотни товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида **реклама қилиш тақиқланади.**

**Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоголли ичимликлар рекламаси тақиқланади,** шу жумладан: тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш; тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкоголли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тадбирларга ҳомийлик қилиш; тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш; савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарида, ташқарига олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланади.

Реклама берувчи, ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун **жавобгарлиги аниқлаштирилган** бўлиб, **реклама берувчи** реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлаш учун тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунига доир қисми бузилганлиги учун, агар ушбу қонунбузарлик реклама тайёрловчининг ёки реклама тарқатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса, жавобгар бўлади. **Реклама тайёрловчи** реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлашга доир қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади. **Реклама тарқатувчи** эса реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг рекламани тарқатиш вақти, жойи ва воситаларига тааллуқли қисми бузилганлиги учун жавобгардир.

Рекламани яширин деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи – Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси қабул қилади.

Юридик шахсларга нисбатан **қонунбузарликлар турлари ва жарима миқдорлари қайта кўриб чиқилган** бўлиб, мисол учун, эндиликда реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун – энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима ундирилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жисмоний шахсларга нисбатан қонунбузарликларнинг турлари ва жарима миқдорлари тегишли равишда қайта кўриб чиқилган.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 18 сентябрда чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ҚИШЛОҚДАГИ УЙ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 сентябрдаги 201-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига Президентнинг 2010 йил 17 июндаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1354-сон қарорига мувофиқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди.** Хусусан, белгиланишича, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида қурилган уй-жой жойлашган ер участкаси туман ҳокимининг қарорига биноан, якка тартибда уй-жой қурувчига (Ўзбекистон Республикаси фуқаросига) ҳар бир иморат солувчига **0,06 гектардан кимошди савдоси ўтказмасдан** мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилади *(Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низом).*



## ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 сентябрдаги 202-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»** *(2009 йил 11 июндаги 160-сон)* **қарорига киритилган ўзгартишга** мувофиқ, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда *(2003 йил 24 апрелдаги 474-I-сон Қонун таҳририда)* назарда тутилган маълумотлар эълон қилинадиган расмий нашр бўлиб, «Биржа» газетасидан ташқари, энди «Солиқ Инфо» газетаси ҳам ҳисобланади.

* * *

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 14 сентябрда 1131-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга** *(рўйхат рақами 1131, 2002 йил 23 апрель)* **ўзгартишлар киритилди.** Энди қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган иқтисодий санкциялар қуйидаги тартибда



тўланади: қўлланилган санкциялар суммасининг 92 фоизи *(олдин – 90%)* – давлат даромадига; 8 фоизи *(олдин – 10%)* – Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази *(бундан кейин – Марказ)*нинг ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига ёхуд унинг ҳудудий бошқармасига.

Хўжалик юритувчи субъектнинг охирги ҳисобот санасидаги баланс қийматининг *(олдин – хўжалик юритувчи субъект жорий активлари суммасининг)* жами 20 фоизидан ортиқ бўлган, қўлланган жазо чораларини ундириш эса унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 6 ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.




Қабул қилинган чораларга қўшилмаган қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари Марказ ҳудудий бошқармасининг қарорлари устидан Марказга ёхуд суд тартибида; Марказнинг қарорлари устидан эса – суд тартибида шикоят қилишлари мумкинлиги ҳам белгиланган.

**2010 йил 24 сентябрдан кучга кирди.**

* * *

## ЭЛЕКТРОН ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАСИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 15 сентябрда 1122-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга** *(рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель)* **киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга** мувофиқ, солиқ органлари энди инкассо топшириқномаларини бевосита тўловчининг банкига электрон шаклда қўйиш ҳуқуқига эга.

**2010 йил 25 сентябрдан кучга кирди.**

* * *

**Иқтисодиёт, молия вазирликлари, Давлат мулки қўмитасининг қарорлари *(АВ томонидан 2010 йил 16 сентябрда 1677-1 ва 1679-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақидаги низомга** *(рўйхат рақами 1677, 2007 йил 2 май)* **ҳамда Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга** *(рўйхат рақами 1679, 2007 йил 8 май)* **ўзгартиришлар киритилди.** Уларга мувофиқ, энди сотувчилар ва харидорлар Биржага хизмат қилувчи банкдаги ҳисоб-китоб клиринг палатасининг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига биржа савдоларига қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 10 фоизигача (аввал – 2%) бўлган миқдоридаги закалатни депозитга қўядилар. Тегишинча, сотувчи томонидан маҳсулотни харидорга олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда юклаб жўнатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ҳисоб-китоб клиринг палатаси томонидан харидор ҳисобига киритиладиган жарима чораси сифатидаги маблағ биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда маҳсулотни етказиб бериш учун белгиланган қийматдан 10 фоизгача кўпайди.

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 11 сентябрдан 17 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 37-сони асосида тайёрланди.***

УШБУ СОНДА

1-бет — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
2-3-бетлар — Маслаҳатни юрист беради
4-бет — Муассис директор бўла оладими?
5-10-бетлар — «Биз яшайдиган уй»да нима гап?

$1 = 1618,89 сўм | € 1 = 2096,66 сўм | £1 = 2536,48 сўм | ¥10 = 188,92 сўм

# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

***II гуруҳ ногирони бўлган болалар олий ўқув юртларига киришларида имтиёзлар борми? Менинг қизим болаликдан ногирон (қандли диабет), унга ногиронликнинг II гуруҳи берилган, коллежни аъло баҳолар билан битирган, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топширди, бироқ танловдан ўтмади. II гуруҳ ногиронлари учун ўқишга киришда имтиёзлар бор деб эшитгандим. Шу тўғрими?***

**Валиева О.**

– Қонун ҳужжатларида имкониятлари чекланган шахсларга (I, II, III гуруҳ ногиронларига) олий ўқув юртига киришда имтиёзлар бериш назарда тутилмаган. Улар қолган абитуриентлар билан тенг шартларда танловда ўтадилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга абитуриентлар учун ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади. Бироқ танлов давомида (тест синови) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиийилмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади[1].

Шунингдек, хусусан:

республика (1-ўрин) ва халқаро (1–5-ўринлар) танловлар ва мусобақаларда ғолиб чиққан;

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиладиган «Келажак овози» республика танловида 1–3-ўринларни эгаллаган;

умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларида 1–3-ўринларни ва халқаро олимпиадаларда 1–5-ўринларни эгаллаган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг битирувчилари олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар[2].

*[1]Президентнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-213-сон қарори.*

*[2]Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 226-сон қарорига 5-илова).*

***Жавобларни «Norma» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.***

# ТАЛАБАЛАРНИ МОДДИЙ ТОМОНДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

***Мен II гуруҳ ногирониман, олий ўқув юртига тўлов-контракт асосида кирдим. Қонун ҳужжатларида ногирон талабаларга контракт қийматини камайтириш тарзида имтиёз назарда тутилганми?***

**Талаба.**

– «Таълим тўғрисида»ги Қонун *(1997 йил 29 августдаги 464-I-сон)*, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида низом[1] ва бошқа қонун ҳужжатларида шахсларнинг бирорбир тоифасига ўқитиш қийматини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш назарда тутилмаган. Бироқ баъзи шахсларга олий ўқув юртида ўқиш учун кредитлар бериш тарзида ва контракт суммасининг бир қисмини тўлаш тарзида **моддий қўллаб-қувватлаш** қўлланади.

## КРЕДИТЛАР БЕРИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» қарорига *(2001 йил 26 июлдаги 318-сон)* мувофиқ таълим кредитларини олий ўқув юртларида ўқишга тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, уларнинг ота-оналари ёки васийлари олишлари мумкин.

Бакалавриатга ўқишга қабул қилинган шахсларга 10 йилгача бўлган муддатга бериладиган, ушбу муддатга олий ўқув юртида ўқиш даври киритилади.

Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида низомга[2] кўра таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг қуйидаги миқдорлари белгиланади:

**чин (ота-онасиз) етимлар, «Меҳрибонлик» интернат-уйлари тарбияланувчилари ва болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига – ноль даражали фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);**

талабаларнинг қолган тоифаларига – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган ўзгарувчан фоиз ставкаси бўйича.

**Кам таъминланган оилалардан чиққан[3] талабалар учун ҳисоблаб ёзилган фоиз тўловлари суммасининг 50 фоизини кредит билан тўлаш Аҳолининг бандлигига кўмаклашиш ва уни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат жамғармаси маблағларидан амалга оширилади.**

Таълим кредити олиш учун талаба, унинг отаси (онаси) ёки васий *(бундан кейин – қарз олувчи)* тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити беришга ариза;

б) талаба билан олий ўқув юрти ўртасида тўлов-контракт асосида ўқиш тўғрисида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқиш муддати ва ўқув йили учун ҳақ миқдори кўрсатилиши керак. Кейинги йилларда ўқиш қиймати ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартишлар киритилади, бу ҳақда олий ўқув юрти 10 кун муддатда ёзма равишда банкни хабардор қилади, шундан кейин қарз олувчи, банк ва олий ўқув юрти ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартишлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан берилган, қарз олувчининг яшаш жойидан маълумотнома;

г) кредитнинг қайтарилишини таъминлаш тўғрисида ҳужжат;

д) чин (ота-онасиз) етимлар, «Меҳрибонлик» интернат уйлари тарбияланувчилари, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, имтиёзли таълим кредитларини олишга ҳақли бўлган кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Банкка тақдим этиладиган юқорида саналган ҳужжатлар билан бир вақтда қарз олувчи шахсан паспортини тақдим этади.

Шунингдек қарз олувчи банкка таъминотнинг қуйидаги шаклларидан бирини тақдим этиши керак:

мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;

банк кафолати;

учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчи томонидан кредит сўндирилмаслиги хатарини суғурталаш тўғрисида суғурта полиси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллиги (фақат чин етимлар, «Меҳрибонлик» интернат уйлари тарбияланувчилари, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанларга).

Банк кредит бериш тўғрисида ариза ва унга доир ҳужжатларнинг тўлиқ пакети тақдим этилганидан кейин 10 иш куни мобайнида кредит шартномасини кўриб чиқиши ва имзолаши ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, арз қилувчига кредит беришни рад этилганлигининг сабаблари тушунтирилган ҳолда ёзма хулоса бериши керак.

## АРМИЯДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ КЕЛГАНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати олий ўқув юртларида бакалавриат дастури бўйича ўқиётган, Ўзбекистон Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган фуқаролар сирасидан бўлган талабаларга, башарти улар «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятида фаол иштирок этсалар, моддий мадад кўрсатмоқда. Ёрдам Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларига[4] мувофиқ кўрсатилади.

Моддий мадад тўлов-контракт асосида ўқиш қийматининг 35 фоизини тўлаш тарзида тақдим этилади. У 1-босқич талабаларига белгиланган муддатларда улар контракт суммасининг 65%ини (ёки бир семестрда ушбу сумманинг камида ярмини) тўлаш, 2-босқич ва ундан кейинги босқичлар талабаларига эса бундан аввалги ўқув йили учун ўқиш ҳақи бўйича қарз бўлмаслиги шарти билан берилади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида ЁИҲ Марказий Кенгашига тавсия бериб, бунда қуйидаги асосий мезонларни эътиборга олади:

а) талабанинг олий ўқув юртида белгиланган ички тартиб-қоидаларга оғишмай риоя қилиши;

б) талабанинг узрсиз сабаблар билан бир ўқув семестри давомида ўтказиб юборган машғулотлари 30 соатдан ошмаслиги кераклиги;

в) талабанинг аввалги ўқув семестри учун рейтинг назорати якунлари бўйича ўзлаштируви;

г) талабанинг «Камолот» ЁИҲ фаолиятида фаол иштироки (гуруҳ, факультет, бошланғич ташкилот етакчиси, «Камолот» ЁИҲ сайлаб қўйиладиган органлари аъзоси, бошланғич ташкилотнинг айрим топшириқларини бажариши).

Бундан ташқари, банднинг бирон масаласини ҳал қилиш чоғида қўшимча мезонлар сифатида моддий мадад олишга талабгор талабанинг оилавий, моддий аҳволи ҳисобга олиниши мумкин.

*[1]Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан 1999 йил 6 августда 795-сон билан рўйхатдан ўтказилган, АВ томонидан тасдиқланган.*

*[2]ВМнинг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарорига илова.*

*[3]Кўрсатилган ижтимоий ёрдамга ҳақли бўлган оилаларни аниқлашни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарорига илова) мувофиқ амалга оширадилар.*

*[4]МВ ва ОЎМТВнинг АВ томонидан 2006 йил 14 сентябрда 1622-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

***P.S. Абитуриентларга, шунингдек уларнинг ота-оналарига олий ўқув юртига кириш ва ўқишга ҳақ тўлаш чоғида қўшимча имкониятдан фойдаланишни таклиф қиламиз.***

«Ўзбекистон Маданият ва санъат форуми» жамғармасидан ҳар йили Таълим грантлари дастури доирасида контракт асосида олий ўқув юртларига ўқишга кирган ёшлар ўқиш ҳақини Фонд Форум ва «Меҳр нури» жамғармасидан тўлаш имкониятига эга бўладилар. Грантлар олишга танлов одатда ҳар бир йилнинг августи охири – сентябри бошида ўтказилади, унда Ўзбекистон олий ўқув юртларидан бирига кундузги ўқиш учун ҳисобга киритилган, бироқ бюджет асосида ўқиш учун етарли миқдорда балл тўплай олмаган абитуриентлар иштирок эта оладилар. 2005 йилдан бошлаб 300 га яқин қобилиятли талабалар Дастур ғолиблари бўлишди, уларнинг энг яхшиларига контракт ҳақини тўлаш ҳар йили узайтирилади.

Фонд Форум Қобилиятли талабалар учун стипендиялар дастурини ҳам ўтказади. У 2006 йил май ойида таъсис этилиб, 3 ва 4-босқичларнинг қобилиятли талабаларини рағбатлантиришга йўналтирилган. Танловдан ўтган фаол ва собитқадам талабаларга фонд академик йил мобайнида оддий стипендияга қўшимча тарзда махсус стипендия ажратади. Ҳар йили Ўзбекистоннинг турли вилоятлари ва олий ўқув юртларининг 100 дан ортиқ қобилиятли талабалари мазкур Дастур ғолиблари бўлишяпти.

Қўшимча ахборот **www.fondforum.uz** сайтида.


УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
*1-бет*

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
– Олий ўқув юртига кирувчилар учун имтиёзлар
– Талабаларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш
– Асос тақдим этинг ёки судга боринг
– Валюталар курси
*2-3-бетлар*

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Қандай қилиб директор бўлиш мумкин?
– Ишдан бўшатаман деганга сабаб топилади
*4-бет*

✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
*5-10-бетлар*

✓ top
*11-12-бетлар*


## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 23.09.2010 | 1 | 0,803 | 1 | 1,0753 | 1 | 0,0259 |
| Арманистон | 23.09.2010 | 1 | 362,76 | 1 | 483,99 | 1 | 11,71 |
| Беларусь | 24.09.2010 | 1 | 3023,00 | 1 | 4045,08 | 1 | 97,51 |
| Грузия | 24.09.2010 | 1 | 1,8079 | 1 | 2,411 | 1 | 5,8314 |
| Қозоғистон | 24.09.2010 | 1 | 147,49 | 1 | 196,69 | 1 | 4,76 |
| Қирғизистон | 24.09.2010 | 1 | 46,898 | 1 | 61,4613 | 1 | 1,5038 |
| Латвия | 24.09.2010 | 1 | 0,525 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0169 |
| Литва | 24.09.2010 | 1 | 2,5758 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,3098 |
| Молдова | 24.09.2010 | 1 | 12,1563 | 1 | 16,2153 | 1 | 0,3919 |
| Тожикистон | 24.09.2010 | 1 | 4,3825 | 1 | 5,8605 | 10 | 1,4317 |
| Ўзбекистон | 21.09.2010 | 1 | 1618,89 | 1 | 2096,66 | 1 | 52,08 |
| Украина | 23.09.2010 | 100 | 791,92 | 100 | 1058,3219 | 10 | 2,556 |
| Эстония | 23.09.2010 | 1 | 11,7265 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,378413 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

# ИХТИЁРИЙ-МАЖБУРИЙ ТАРТИБДАМИ?

**?** ***2004 йил 2 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига кўра якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок этадилар. Ушбу Қонун бугунги кунда амал қиляптими? Солиқ инспекцияси ходимлари ушбу шахслардан жамғариб бориладиган Пенсия жамғармасига мажбурий тарзда тўлатиш бўйича счёт (тўловнома) тақдим этиш ҳуқуқига эгамилар?***

**Т.Абдулазизов.**

– Ҳақиқатан ҳам, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун *(2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон)* 6-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари жамғариб бориладиган пенсия тизимида **ихтиёрийлик асосида** иштирок этадилар. Ушбу Қонун, шу жумладан мазкур норма ҳам, ҳозирги пайтда амал қилади.

Бироқ шуни қайд этиш лозимки, сизнинг хатингизда «жамғариб бориладиган Пенсия жамғармаси» жумласи ишлатилган, бу эса юридик тушунчалар чалкаштирилган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Гап шундаки, **ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари** шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари (ШЖБПҲ)га, мажбурий суғурта бадаллари эса бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади.

Чунончи, солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, якка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди *(Солиқ кодексининг 311-моддаси)*. Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари эса суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Шу тариқа, солиқ инспекцияси ходимларининг якка тартибдаги тадбиркорларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлашлари тўғрисидаги талаби қонунийдир. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан ШЖБПҲга бадал тўлашлари тўғрисидаги талаб эса қонунга мувофиқ эмас ва бунинг устидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***


Реклама

NORMA

Эксперт маълумотнома тизими

**ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР**

● Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларнинг пенсия таъминоти хусусиятлари.
● Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизмлари. ● Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби. ● Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар. ● Пенсия ва нафақаларни ҳисоблашга мисоллар. ● Ижтимоий таъминотга доир меъёрий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.

**Харид қилиш учун манзил:**
**Тошкент ш., М.Улуғбек тум., Ҳ.Олимжон майд. 10А. Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс 237-45-29.**
**E-mail: info@norma.uz, web: norma.uz**


# АСОС ТАҚДИМ ЭТИНГ ЁКИ СУДГА БОРИНГ



## *ИШНИНГ МОҲИЯТИ*

***Божхона брокери – МЧЖ қўшма корхона номига келиб тушган товарнинг божхона расмийлаштирувини ҚҚнинг топшириғига кўра амалга оширди. Декларациялашни текшириш чоғида божхона органи МЧЖ ходими ТИФ ТН кодларини нотўғри қўллаганлигини аниқлади, натижада божхона брокерига жарима қўлланди. МЧЖ банкка жарима суммасини ҚҚнинг ҳисоб-китоб рақамидан ҳисобдан чиқариш тўғрисида тўлов талабномаси юборди, бу талаб бажарилди. Буни нотўғри деб ҳисоблаб, қўшма корхона хўжалик судига асоссиз ҳисобдан чиқарилган суммани қайтариш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди.***

***Биринчи инстанция суди даъвони қондиришдан бош тортди. Апелляция инстанцияси мазкур ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирди. Бунга рози бўлмаган ҚҚ Олий хўжалик судига илгари қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиш ва даъвони қондириш тўғрисида кассация шикояти билан мурожаат қилди.***

## МЧЖнинг ПОЗИЦИЯСИ

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис товарни декларациялаш чоғида ҚҚ тақдим этган ТИФ ТН кодлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланган. Шу сабабли уларни нотўғри қўллаганлик учун қўшма корхона жавобгар бўлиши керак. ҚҚнинг ҳисоб-китоб рақамидан жарима суммасининг ҳисобдан чиқарилиши тўғридир.

## ҚҚнинг ПОЗИЦИЯСИ

Корхона ўз ҳисобрақамидан пул маблағларини ҳисобдан чиқаришга розилик бермаган. МЧЖнинг ҳаракатлари асоссиз.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

МЧЖ билан ҚҚ ўртасида пул эвазига хизматлар кўрсатиш шартномаси тузилган, унга кўра божхона брокери ҚҚ номига олиб кирилган товарни божхонада расмийлаштириши ва декларациялаши керак эди;

корхона божхона брокерига ТИФ ТН кодлари бўйича товар тўғрисида ахборот тақдим этган, МЧЖ ходими ундан товарни декларациялаш чоғида фойдаланган;

ўтказилган экспертиза асосида божхона органи ТИФ ТН кодларидан нотўғри фойдаланганлигини аниқлаган. Натижада МЧЖга жарима қўллаш тўғрисида қарор чиқарилган;

божхона брокери ҚКга жарима суммасини қоплаш тўғрисида талабнома юборган;

ҚҚ талабномада кўрсатилган қарз суммасини тан олмаган;

ҚҚнинг ҳисоб-китоб рақамидан жарима суммаси акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқарилган.

Кассация ҳайъати қонунчилик қоидаларини таҳлили қилиб, қуйидагиларни белгилади:

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом* *(бундан кейин – 1122-сон Низом)* 39-бандининг «б» кичик бандига кўра МЧЖнинг ҚКга даъвоси пул маблағларини мазкур корхонанинг ҳисоб-китоб рақамидан акцептсиз ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қила олмас эди;

Фуқаролик кодекси *(ФК)*нинг 1023-моддасига мувофиқ МЧЖ ҚКга асоссиз олинган пул маблағлари суммасини қайтариши керак эди;

ФК 327-моддасининг моҳиятидан келиб чиқиб МЧЖ ҚКга унинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаши керак эди.

Юқорида баён этилганларга асосан, Хўжалик процессуал кодексининг 187, 188 ва 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати илгари қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиш, арз қилинган талабларни қондириб, МЧЖдан бошқаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун жарима ва фоизлар суммасини ундириш тўғрисида қарор қилди.

## *ШАРҲ*

*«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг (1998 йил 29 августдаги 670-I-сон, бундан кейин – Қонун) 17-моддасига кўра ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект уларни бузган бошқа субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир. Унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:*

*иккала хўжалик юритувчи субъектнинг номи;*

*талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;*

*талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар, шунингдек уларнинг тасдиқловчи далиллари;*

*арз қилувчининг талаблари;*

*талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби;*

*арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;*

*талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.*

*Талабнома раҳбар ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда жўнатилади.*

*Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт. Талабномага жавоб раҳбар ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланиши ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланиши керак. Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи субъект арз қилувчининг ҳисоб-китоб рақамига ўзи тан олган суммани ўтказиши керак. Агар талабномага жавобда қарздорнинг буни қилишга мажбуриятни зиммасига олиши кўрсатилмаса, арз қилувчи қарздорнинг ҳисоб-китоб рақамидан у тан олган пул суммасини ҳисобдан чиқариш талаби билан мурожаат қилиб, талабномага жавобни илова қилишга ҳақлидир (Қонуннинг 18-моддаси).*

*1122-сон Низомнинг 39-бандига кўра, тўлов талабномаси** асосида пул маблағларини юридик шахснинг ҳисоб-китоб рақамидан қуйидаги ҳолларда акцептсиз ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилади:*

*иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар чоғида. Бундай ҳолда берилган иссиқлик энергияси учун тўлов топшириқномаси ва ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи томонидан истеъмолчининг хизмат кўрсатувчи банкига тақдим этилади. Бунда «Тўлов тафсилотлари» устунида «Ҳисоб асбоблари кўрсатувлари асосида» ёки «Тарифлар асосида» деган ёзув қайд этилади. Ҳисобварақ-фактура белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, шу жумладан истеъмолчининг имзоси билан тасдиқланиши керак;*

*қарздорнинг талабномадаги суммани тан олиши тўғрисида ёзма жавобининг асл нусхаси талабномага илова қилинган тақдирда. Талабномага бошқа ҳужжатларнинг (дебиторлик-кредиторлик қарзларининг солиштирма далолатномаси, бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисида далолатнома ва ҳоказо) илова қилиниши акцептсиз ҳисобдан чиқариш учун асос бўла олмайди;*

*банклар томонидан қарздорларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисобварақларига – хўжалик юритувчи субъектлар кредитлар бўйича қарзни ўз вақтида узмаганда.*

*Юқорида кўрсатилган асослар бўлмаганда ва низо мавжуд бўлса, пул маблағларини мажбурий ундириш суд тартибида амалга оширилади. Бунинг учун манфаатдор шахс хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этишга ҳақлидир (Қонуннинг 19-моддаси).*

**МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

***Тўлов талабномаси, 1122-сон Низомнинг 28-бандига кўра, маблағ олувчининг тўловчи томонидан маълум бир суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабини ўз ичига олган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Талаб акцептли ва акцептсиз бўлади.*

***Суд амалиёти***
***«Norma» МЧЖнинг эксперт юридик бўлими томонидан таҳлил қилинди.***


Реклама

NORMA

Эксперт маълумотнома тизими

**КОРХОНА ЮРИСТИ**

**Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:**
**Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.**
**Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29**
**E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz**

# ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДИРЕКТОР БЎЛИШ МУМКИН?

***Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз.***

***1. Биринчи марта ишга кирган шахсларга меҳнат дафтарчасини тўлдираётганда кадрлар бўлимининг баъзи ходимлари: «Ишга қабул қилинишигача меҳнат стажига эга эмас», – деб ёзиб қўядилар. Бундай ёзувни ҳамма учун қайд этиш шартми?***

***2. МЧЖнинг ягона муассисини ушбу жамиятнинг директори сифатида ишга қандай қилиб расмийлаштириш мумкин? Буйруқни қандай ёзиш ва меҳнат дафтарчасига қайд этиш керак?***

**Л.Ким, бош бухгалтер.**
**Янгийўл шаҳри.**

– **1.** Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномада[1] *(бундан кейин – Йўриқнома)* биринчи марта ишга кирган ходимнинг меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилинишигача у меҳнат стажига эга эмаслиги тўғрисида ёзувни қайд этишга мажбур қиладиган меъёр мавжуд эмас. Юқорида кўрсатилган ҳужжатга мувофиқ биринчи марта ишга кирган ходимнинг меҳнат дафтарчаси биринчи саҳифасида қуйидаги умумий маълумотлар ёзилади: фамилияси, исм-шарифи, туғилган санаси (куни), ойи, йили, касби ва мутахассислиги. Ушбу маълумотлар қайд этилганидан кейин ходим уларнинг тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди. Кўрсатилган маълумотларни киритган шахснинг имзоси корхона муҳри билан тасдиқланади.

Сўнгра иш тўғрисидаги ёзув қайд этилади:

Меҳнат дафтарчасидаги «Иши тўғрисидаги маълумотлар» номли бўлимининг 3-устунига корхонанинг тўлиқ номи сарлавҳа тарзида ёзилади.

Сарлавҳа тагидаги 1-устунда тартиб рақами кўрсатилади.

2-устунда ишга қабул қилинган сана ёзилади.

3-устунга «Фалон цех, бўлим, бўлинма, қисм ва ҳ.к.га фалон лавозимга (касбга, мутахассисликка) қабул қилинди (тайинланди ёки сайланди)» деб ёзиб, берилган малака даражаси (агар шундай даража берилса) аниқ кўрсатилади.

4-устунда қайси ҳужжатга асосан ёзилганлиги (санаси, тартиб рақами) қайд қилинади.

**2.** Меҳнат кодексининг 82-моддасига кўра корхона раҳбарини (директорини) ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита амалга оширади. Умумий қоидага кўра ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси уни чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бироқ кўриб чиқилаётган вазиятда жамият мулкдори ва директор битта шахсдир. Бундан ташқари, жамиятнинг яккабошчи мулкдори ўзига ўзи директор ёлламайди, балки унинг функцияларини бажариши тўғрисида қарор қабул қилади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиққанда **меҳнат шартномасини тузиш мумкин эмас.**

*Амалиётда бундай вазиятларни тартибга солиш учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига жамиятнинг яккабошчи иштирокчисини ана шу жамиятнинг директори сифатида ҳуқуқий расмийлаштиришни аниқлаштирадиган ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.*

Шу сабабли жамиятнинг ягона мулкдорини директор этиб расмийлаштириш учун фақат ўзини жамият директори этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида баённома тузиш ва корхона директори вазифаларини қабул қилиш тўғрисида буйруқ* чиқариш лозим, уни ҳам директорнинг ўзи ёки унинг ваколат берилган ўринбосари имзолаши керак. Шундан сўнг мазкур буйруқ асосида меҳнат дафтарчасига ёзув* қайд этилади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

*[1]Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

**Корхона директорининг вазифаларини қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ва меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув киритиш намуналари эркин кириш учун очиқ бўлган* ***www.norma.uz*** *сайтида келтирилган.*

## Ҳам куласиз, ҳам куясиз



***Баъзан кимнингдир кутилмаганда ишдан бўшатилганлиги ёки штат қисқартирилиши сабабли беиш бўлиб қолганлигини эшитганда истеҳзо аралаш бош чайқаб қўямиз. Аслида меҳр тушиб қалбимиздан жой олган ишдан маҳрум бўлиш дардини фақат ҳазил-мутойиба билан енгиш мумкин. Баъзида одамнинг хаёлига келмайдиган воқеалар ҳам бўлади. Ишдан бўшатишнинг сабаби баъзан шу даражада тутуруқсиз бўладики, бу ҳақда ўқигач, кулгингни яширишга тушасан киши. Қуйида келтирилаётган воқеаларни ўқиб ўзингиз хулоса чиқаринг.***

# ИШДАН БЎШАТАМАН ДЕГАНГА САБАБ ТОПИЛАДИ

### ҚИММАТГА ТУШГАН ТОМОША

Бостон шаҳридаги (АҚШ) ўрта мактаб ўқитувчиси Питер Конуорт дарс вақтида ўқувчиларга бир нечта оддийгина кўзбойлоғич амалларини кўрсатмоқчи бўлди. Ўқитувчи дастлаб даструмолни усталик билан «кўринмас қилиш», яшириш маҳоратини кўрсатди. Кейин томоша кўрсатишга берилиб кетиб, қаламни бир қулоғига тиқиб, иккинчисидан чиқариб олди.

Дарс-ку жуда зўр ўтди. Аммо Питер учун ғалва, ташвиш кечқурун бошланди. Уни уйидан шошилинч равишда мактабга чақиртириб келдилар. Устознинг мўъжизакор ҳаракатларидан руҳланган ўқувчилар бу амалларни такрорламоқчи бўлишибди. Натижада қулоғи турли даражада жароҳатланган уч ўқувчи касалхонага тушиб қолибди.

Омади юришмаган ўқитувчининг дарҳол «ковушини тўғрилаб» қўйишди, таълим соҳасида қорангни кўрсатма сира деб писанда ҳам қилишди.

### БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

Россиянинг чеккароқ шаҳарларидан биридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси бошлиғи оқкўнгиллиги туфайли ишдан маҳрум бўлди. Милиционер қоидабузарларга жарима солмаган, ҳатто пора ҳам олмаган экан. У чинсўз, инсоний муносабат одамларни йўл ҳаракати қоидаларини бузишдан қайтаришига шунчалик ишонган эди. Бунинг устига офицер ўз ғоясини бошқаларга ҳам сингдирмоқчи бўлиб, қўл остидагиларга ҳовлиқиб юрадиган ҳайдовчиларга жарима солмасликни, улардан совға-салом олмасликни тайинлаб, панд-насиҳат билан кифояланишни таъкидлар экан.



Масалан, унингча узлуксиз қўшчизиқни кесиб ўтган ҳайдовчини кечирса бўлади. Аммо бу масалада қонун талаби қаттиқ: бундай қилиғи учун ҳайдовчилик гувоҳномасидан бир йилга маҳрум қилиш лозим. Милиционерни бағрикенглик билан боғлиқ бир неча ишидан кейин ишдан бўшатиб қўя қолишди. Ўзининг бу борадаги хулқ-атвори юзасидан судда жавоб беришга тўғри келганлигини ҳам айтмайсизми?! Суд юзхотир қилиб ўтирмади: меҳнат интизомини қўпол тарзда бузганлиги ва хизмат мажбуриятини одамлар ҳалокатини келтириб чиқариши мумкин бўлган тарзда ижро этмаганлиги учун шартли равишда 1,5 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

### «ИЛТИМОС, СИЗ АТИР СЕПМАНГ!»

Ванкуверда Канада суғурта компаниясининг ходими Мелинда Сатерс хонимни ишдан қувишди. Мелинда хушбўй атирни жуда яхши кўрар, кунига бир неча марта атир сепарди.

Аёлнинг айтишича, бу нарса фикрни жамлашга ёрдам бериб, кучига куч қўшар экан. Билъакс, Сатерс сепган атир унинг ҳамкасабаларига ғирт ташвиш эди.

Хизматдошлар ундан идорада атир сепмасликни кўп бора сўрашган. Иш жанжалгача бориб етди. Ходимлардан бири Мелинданинг юзига у сепаётган атир ниҳоятда бадбўйилигини айтиб, уни ахлатга чиқариб ташла деб айтди.

Шўринг қурғур аёл адолат истаб раҳбариятга мурожаат этди. Бунга жавобан бошқа ходимлар тўдалашиб бошлиқ ёнига кирдилар ва ундан Саутерсни ишдан бўшатишни қатъий талаб қилдилар. Бошлиқ кўпчиликнинг иродасига қарши бора олмади ва атирпарастнинг баҳридан кечиб қўя қолди.

### ЎТА ОЗОДАЛИК ПАНД БЕРДИ

Американинг Огайо штатида Burger King ихтисослашган ресторанлар тармоғи ходимини рестораннинг ошхонасидаги раковинада серпуфак ванна қабул қилишни истаб қолганлиги учун ишдан бўшатишди. Корхонанинг шуҳратпараст ходими Тимоти Такетт чўмилаётганини видеога олиб интернетга киритиб юборди. Видеода яланғоч Тимоти Такетт таом учун маҳсулотларни тўғраб тайёрлашдан олдин ювишга мўлжалланган раковинада ғалати ўйинлар қилди. Санитария инспектори ресторанга етиб келгунга қадар раковинани чиннидек қилиб тозалашди, ғайритабиий ўйин ишқибозини иккита шериги билан биргаликда ишдан ҳайдашди. Шу машмашаларга қарамай, Тимоти Такетт содир бўлган воқеадан сира пушаймон эмас. Фақат иккита шериги (бири видеога олган бўлса, иккинчиси смена бошлиғи эди) уни деб ишдан маҳрум бўлганига ачинмоқда, холос. Чунки уларнинг биттаси яхшилик билан тугалланмаган бу ҳазилга мутлақо алоқадор эмасди.

### КЕЛИША ОЛМАДИЛАР

Берлин коммунал хизматлар компанияси чилангари... овози туфайли ишдан маҳрум бўлди. Унинг қизиқ одати бор: ҳар сафар иш кунини бор овоз билан қўшиқ айтишдан, ёқтирадиган нарсалари ҳақида шанғиланиб гапиришдан бошлайди.



Чилангарнинг ўқдек, аммо чийилдоқ овози бутун идорани тутиб мижозларни чўчитарди. Унга ҳамкасабалари ҳам, бошлиғи ҳам бир неча бор танбеҳ берди. Лекин Рейн соҳилининг қўшиқсевар ўғлони ҳар кунги эрталабки ҳайқириқли машқини давом эттираверди.

Шунда компанияга зарар келтираётганликда айблаб, ундан иш жойини бўшатиб қўйишни сўрашди. У ҳамкасбларидан мадад кутиш бефойдалигини билгани сабабли секингина ишдан бўшаб қўя қолди.

### ПИВО ЎҒИРЛАГАНИ УЧУН

Американинг Канзас штатидаги мўъжазгина шаҳарча полицияси бошлиғи Уилсон Хилл ўт ўчирувчиларнинг пивосини ўғирлагани учун полициядан ҳайдалди.

Полиция участкаси билан ўт ўчирувчилар қисми бир бинога жойлашган бўлиб, ўртада ҳеч қачон қулфланмайдиган битта эшик бор эди, холос. Галдаги навбатчилик вақтида Хилл қўшниларникига бош суқди. Ўт ўчирувчилар қисмида ҳеч ким йўқ, ҳамма чақирув бўйича кетган экан. Полиция бошлиғи уларнинг музлаткичида нима борлигини кўрмоқчи бўлди. Музлаткич нақ катта омбордек бўлиб, бир неча юз шиша пиво сақланаётган экан. Полициячи уларнинг ҳаммасини машинасига жойлаб ўлжа билан қочиб қолай деганда пиво захирасининг эгалари келиб қолишди.

Ўт ўчирувчилар Хиллни ўғирлик устида тутиб, қўл остидагиларига топшириб қўя қолишди. Охирига етмай қолган ўғирликдан келган зарарни суд 1 237 доллар деб баҳолади. Хиллни полициядан бўшатиб юборишди, пенсиядан маҳрум қилишди ва ярим йил ахлоқ тузатиш ишлари билан шуғулланишга ҳукм қилишди.

*Хуллас, ишдан бўшатишда сабаблар турфа хил бўлиши мумкин. Агар бошлиқ қандайдир сабаб билан сизни ёқтирмай қўйган бўлса, ишдан бўшатишга баҳона-сабаб албатта топилади, аммо хатти-ҳаракат ва юриш-туришингиз билан бошлиқни бунга ундаманг. Ҳар қандай ишда энг асосийси унинг хайрли тугашига бўлган ишончдир. Пировардида машҳур педагог ва адиб Лоренс Питернинг қуйидаги сўзларини эслатишни истардик: «Ўз хоҳиши билан истеъфога чиқишга аҳд қилган билимдон, уқувли ходимлар ишдан бўшатиб юбориладиган билимсизларга қараганда кўпроқ учрайди». Ёлланма асосда ишлаётган барча ходимларга ўз тақдирларини бошқа бировлар эмас, айнан ўзлари ҳал қилиш имкониятига эга бўлишларини тилаб қоламиз.*




## МУНДАРИЖА:

✓ ЎзР Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Фармони (кўчирма)
✓ Давр руҳига пешвозлик талаби
✓ Бошқарув тўлалигича умумий йиғилиш ихтиёрида
✓ Бамаслаҳат ҳал этилса
✓ Барча саволларга жавоб бор
✓ ХУМШни ривожлантиришда давлатнинг ўрни
✓ Шаҳримиз янада озода бўлсин деб
✓ Уйларга ҳам «ақл киряпти»...
✓ ЎзР ВМнинг «Республика уй-жой фондининг кўп квартирали уйларида лифт асбоб-ускуналарини янгилаш ва таъмирлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА*

**(Кўчирма)**

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:



## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Нигматов Файзулла Назирович** – Сирғали туманидаги «Тераклзор» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Фахруддинов Нормурод Жамолович** – Самарқанд шаҳридаги «Шерзод-Обод-Нур» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Чориев Шамсидин Жамолович** – Бухоро шаҳридаги «Кўксарой-Шарқ» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри, 2010 йил 25 август.*

**Мазкур Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 26 августдаги 167 (5082)-сонида чоп этилган.*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

СОН МАВЗУСИ: «Уйнинг эгаси ким?»

Хатлар шарҳи

# ДАВР РУҲИГА ПЕШВОЗЛИК ТАЛАБИ

***Таҳририятимизга кўп қаватли уйларда яшовчилардан ширкат раиси билан боғлиқ масалани, қўл учида қилинган капитал таъмирлаш ишлари муаммоларини ҳал этиш, суд муҳокамасида иштирок этиш ёки уй хўжалигига таааллуқли бошқа муаммоларни жойнинг ўзига бориб ҳал этиш илтимос қилинган хатлар кўп келади. Муштарийлардан келган ҳар қандай хат-хабар одамлар газетамизга ишонч билдираётганлиги, ишларимиз бесамар кетмаётганлиги белгиси сифатида бизни қувонтиради. Аммо олдиндан айтиб қўя қолайлик: мавзувий сон саҳифаларида уй-жой мулкдорларига, ХУМШ ходимларига, профессионал бошқарувчи ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари, кўп қаватли турар жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ташкилотлар ходимларига ахборот ва тушунтиришлар бериш йўсинида ёрдам кўрсатиб келамиз. Бошқача қилиб айтганда, уларни масала ва муаммоларни мустақил тарзда, вазиятдан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмга таянган ҳолда ҳал этишга ўргатиб бормоқдамиз. Бундай услуб ХУМШда ишларни самарали тарзда, қадам-бақадам, изчил асосда йўлга қўйиш имкониятларини очиб беради.***

Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишда муаммолар нимадан келиб чиқишига эътибор берганмисиз? Кимдир бизда раис нобоп чиқди деса, бошқаси уйимиз тутдай тўкилиб ётибди, бироқ капитал таъмирлашни ўйлайдиган одам йўқ дейди куюниб. Томдан чакка ўтиб ертўлани сув босиб ётганлиги, қувурлар батамом ишдан чиққанлигидан аллакимнинг фиғони фалакка чиқади. Аслида бундай гаплар аҳолининг ташаббускорлигига тарикча ҳам таъсир этмайди. Тўғри, ҳар ким ҳам яхши, чиройли таъмирланган уйда яшагиси келади, уй атрофидаги ҳудуд обод ва шинам бўлишини истайди. Агар шу мақсадда пул тўлаётган бўлса-ку, инчунин.

Таҳририятимизга келаётган хатлар асосий муаммо мулкдорлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслигидан келиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда. Бу гапдан баъзилар «бу хусусда ҳаммага бирваракайига баҳо бериш яхши эмас, раис битта чўпни олиб қўйишни истамаса, пуллар нимага сарфланаётганлигини ҳеч ким билмаса, ширкатнинг ҳисобида бир тийин ҳам маблағ қолмаган бўлса, шу уйда яшовчи бизларда нима айб», – дейиши мумкин норози оҳангда.

Мулкдор бўлишнинг ўзига яраша мураккабликлари бор. Ишончим комилки, бу гапни кўнглига оғирроқ олганлар дарҳол эътироз билдиришади: «Бунинг нимаси мураккаб экан? Вазифамиз бадал тўлашдан иборат, уйда тартиб бўлишини эса ширкат таъминлайверсин». Гапнинг рости бундай ёндашув ҳаммага ҳам ёқади. Лекин шуни ҳам унутмаслик лозимки, одамлар ўзлари тўлаган бадаллар нимага ишлатилаётганлигини, пуллари эвазига қандай ишларни бажариш режалаштирилаётганлигини билишлари, бундай режани маъқуллашлари ёки рад этишлари лозим. Бинобарин, пуллари сарфиётини айни шу тарзда назорат этиб боришлари керак.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка хизмат кўрсатишдаги мураккаблик шундаки, бундай кезларда гап жамоа мулки ҳақида борар экан, барча аҳолининг манфаатлари инобатга олинадиган тарзда келишув талаб этилади. Одамларни йиғиш, ҳар бир иштирокчининг хоҳиш-истагини инобатга олиш осон иш эмас, чунки одамлар турфа хил. Катта уй миқёсида келишиб олиш, бир фикрга келиш жуда оғир. Одамлар зиммага масъулият олишни ёқтирмайдилар, чунки бу ҳол қандайдир ишларни амалга оширишни тақозо этади. Инсон табиатан лоқайдликка мойилроқ, ҳатто ўз уйини яхшилашга таааллуқли масалаларда ҳам ташаббускор бўлишга ҳуши йўқ. Кўпинча эса бу борада нималар қилиш, қанақа ишларни амалга ошириш зарурлигини билмайди ҳам.

Устига-устак кўпчилик ишлайди, нима биландир банд. Ишда ҳам, уйда ҳам доимо вақт етишмайди. Шундай экан, ўзинг яшайдиган кўп қаватли уй хўжалиги билан боғлиқ юмушлар ортиқчадек туюлади. Бундай уй ҳақида ғамхўрлик қилишни айни шу сабабли ҳалол, виждонли, сўзи ўткир, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган одамга топшириш керак. Ширкат ишидаги муваффақиятни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳам шу. ХУМШ раиси бўламан деб ҳаракат қилувчилар йўқ ҳисоб. Шу боис ширкат раислигига юқорида айтилган фазилатларга эга бўлган одамни топиш мушкул. Пулингизни ишонишингиз мумкин бўлган қўшнингиз ҳам бундай юкни зиммага олишни истамайди. Бунга кўнган тақдирда ҳам унинг раислик жабҳасидаги иши кўпга бормайди. Чунки ширкат раислиги сермашаққат иш. Агар шу уйда яшовчилар раисга

# БОШҚАРУВ ТЎЛАЛИГИЧА

*«Мавзувий сонда кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш ишидаги ижобий тажрибалар ҳақида ўқиганда, таассуфки, бизнинг уй ҳақида бундай деб бўлмаслигидан ўксинасан киши»,* – деб ёзибди **андижонлик** газетхон **И.Казанцева.**

Унинг таъкидлашича, *«уйга хизмат кўрсатиш бадали миқдорини ХУМШдагилар квартира эгалари билан келишиб олмайдилар. Ширкат аъзолари бундай бадал миқдори нималар эвазига шакллантирилишини ҳам билмайдилар. Ўтган йилги фойдаланилмай қолган маблағлар жамланмайди – қаёққадир ғойиб бўлади. Таъмирлаш ишларини ҳам ширкат аъзолари билан келишмай амалга оширадилар. Масалан, 2009 йили жой мулкдорлари ўз кучлари билан томни таъмирладилар, 2010 йилда эса ХУМШ таъмирлаш ишларини бажариш учун жалб этган фирма айни ўша томни таъмирлашга тушди. Бу иш учун уй аҳлидан пул йиға бошладилар ҳам».*

2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-32-сон Қонуннинг *(бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* 30-моддасида назарда тутилишича, ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори умумий йиғилиш қарори билан, келгуси йил учун мўлжалланган ва умумий йиғилишда тасдиқланган ишлар режаси ҳамда бу ишларни бажаришнинг молиявий манбалари ва ҳамма сарфиётни акс эттирувчи даромадлар ва

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

таянч бўлиш, уни қўллаб-қувватлаш ўрнига бир четга чиқиб, томошабин бўлиб турсалар, «пулларимиз қани?» деб сўрашдан нарига ўтмасалар, қувурлар тешилиб, томдан чакка ўтиши давом этаверади, ертўла сувга тўлиб, йўлаклар таъмирталабликдан тутдай тўкилиб ётаверади.

Кўпинча мулкдорларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирар эканмиз, уйдаги умумий мол-мулк (умумий улушли мулк) билан квартира (хусусий мулк) ўртасида мувозийликка урғу берамиз. Ўз квартирамизда оила аъзоларидан бири таъмирлаш учун мўлжаллаб қўйилган пулни бўлар-бўлмас нарсаларга сарфлагудек бўлса, тезда танобини тортиб қўямиз. Уйдаги умумий мол-мулк таъминотига ҳам пул сарфлаймизу, керагича эътибор қилмаймиз. Бу маблағлар нимага сарфланаётганлиги кўпчилик мулкдорларга ноаён, бунга улар қизиқиб ҳам кўрмайдилар. Кимдир буни билишга қизиққан тақдирда ҳам буни жўяли тарзда амалга оширишни билмайди. Ёки квартирада таъмирлаш ишини бошладингиз дейлик.

Уни ўз ҳолига ташлаб қўймайсиз, иш қандай бораётганлигини кузатиб турасиз. Нимадир ёқмаса, қайта ишлаб маромига етказишни талаб қиласиз. Лекин умумий мол-мулк таъмирланаётганда кўпчилик лоқайд бўлиб олади. Бу ўринда гап таъмирлаш ишини кузатиш ҳақида бормаяпти – ҳар кимнинг ўзига яраша иши, ташвиши бор. Қолаверса, бу ишни кузатиши лозим бўлган ширкат раиси, ижрочи директор бор – сиз уларга бадалларингиз ҳисобидан маош тўлайсиз. Баъзи ширкатларда капитал таъмирлаш ва ишни қабул қилиб олиш устидан назорат олиб бориш мақсадида обрў-эътиборли ва ташаббускор мулкдорлар орасидан жамоатчи комиссия тузадилар.

Кўпчилигимизда уй-жойлар хусусийлаштирилгунга қадар бўлган даврдаги, яъни бизлар ижарачи, давлат ёки бирон идора эса кўп квартирали турар жой фонди мулкдори бўлган пайтлардаги андозалар ҳамон ўз асоратини сездириб турради. Давлат ўз ҳисобидан уй-жой фондини таъмин этган, унга ғамхўрлик қилган ўтмишдаги кўникмадан халос бўлиш қийин кечмоқда. Негаки, бир тарафдан бу ҳол бизни қониқтирар эди. Квартира учун анчайин ҳақ тўлардик, бошқа нарса билан ишимиз йўқ эди. Давлат тимсолидаги мулкдор уй-жойга хизмат кўрсатиш вазифасини муайян ташкилотга, уй-жойдан фойдаланиш идорасига юклаб қўя қоларди. Ўшанда бирон нарса кўнгилдагидек бўлмаса, одамлар уй-жойдан фойдаланиш идорасига шикоят қилиб борардилар, давлат эса уй-жой мулкдори тариқасида тегишли чоралар кўрарди. Ўз мулкимизни эса биз тасарруф эта олмасдик.

Худди эртакдагидек биз вақти келиши билан уй-жой мулкдорига айландик-қўйдик. Онгимизни шунга яраша қайта қуриш эса қийинлик билан содир бўлмоқда. Ўз квартирасини тасарруф этиш ҳамда унга эгалик қилиш уй-жой мулкдори мақомини қўлга киритганимиздаги энг эътиборли жиҳат саналади. Бунда ҳамма нарса тушунарли. Лекин мулкдорлар квартирага уй ичидаги муҳандислик коммуникациялари, кўпинча чакка ўтиб ётадиган томлар, кўлбола ҳовузни эслатадиган ертўлалар, таъмирталаб йўлаклар ва шу сингари чўнтагимиздаги накд пул ҳисобидан таъминлашимиз шарт бўлган умумий мол-мулкни ҳам қўшиб беришди. Худди шу нарсани уй-жой борасидаги аввалги тузумда шаклланган онгимиз ўзига сира сиғдира олмаяпти. Жой мулкдори сифатида уйимиз қандай бўлиши ҳақида мустақил қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлганлигимиз, эндиликда биз учун уй-жойдан фойдаланиш идораси масалани ҳал қилиб беришини кутиб ўтирмаслик сингари имкониятлар қўлга киритилганлиги эса чеккароқда қолиб кетмоқда.

Уй-жойда яшайдиганлар ўз ширкатлари ишида иштирок этишлари лозимлиги улар енг шимариб ишга киришишлари, ертўлаларни, томларни ўз кучлари билан таъмирлашлари, уйдаги қувурларни ўзлари алмаштиришлари ва шу сингари ишларни ўзлари амалга оширишлари керак деган маънони англатмайди, албатта. ХУМШ раҳбарлари билан муносабатда муаммолар бўлмаслиги, бадал пуллари шамолга учмай, шу уйда амалга оширилган аниқ ишларда мужассам бўлиши учун уй-жой мулкдори ёдда тутиши лозим бўлган муайян талаблар бор.

## УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРИНИНГ ХУЛҚ-АТВОР ҚОИДАЛАРИ

**1.** Энг аввало уй бўйича иш режаларини ҳамда ишлар бажарилганлигининг молиявий асоси бўлмиш даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш зарур. Бунинг учун умумий йиғилишларда иштирок этиш керак.

**2.** ХУМШ аъзолари ХУМШда раис эмас, балки умумий йиғилиш олий орган эканлигини унутмасликлари лозим.

**3.** Уй аҳлининг аксарияти умумий йиғилишларда иштирок этишга вақт топа олмайди. Бундай ҳолларда ўз овозини умумий йиғилишда қатнашаётган бирон вакилга топшириш ёхуд ўз фикрини ХУМШ уставида назарда тутилган ёки умумий йиғилиш қарорида белгиланган анкета сўрови ўтказиш доирасида изҳор этиш мумкин. Мулкдор унинг пули эвазига уйга хизмат кўрсатишда нималар содир этилаётганидан бохабар бўлиб туриши даркор.

**4.** Уй аҳли бадалларни вақтида тўлаб бориши шарт, йўқса иш бажарилишини талаб қилиш учун унда асос бўлмайди.

**5.** Раисни албатта ўзлари сайлаб олишлари лозим. Мабодо унинг иши уй аҳлига ёқмаса, унга ишончсизлик билдиришлари ёки бошқа раис сайлашлари лозим.

**6.** Раислик сайлаб қўйиладиган лавозим эканлигини унутмаслик керак, уни мулкдорлар умумий йиғилишда сайлайдилар, қилган ишига ўз бадаллари ҳисобидан ҳақ тўлайдилар. Ширкат раиси ХУМШ аъзолари устидан қўйилган устқурма эмас, бинобарин у ўз иродасини зўрлик билан ўтказмаслиги керак. Раис ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарорлари ва бошқарув қарорлари бажарилишини таъминлайди.

# УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ИХТИЁРИДА

харажатлар сметасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бундай ишлар одатда йилнинг бошланишида, молия йили тугаганидан кейин 60 кундан кечиктирмай чақириладиган ҳар йилги умумий йиғилишда амалга оширилади *(Қонуннинг 20-моддаси)*. Бундай йиғилишда ширкат раиси иш режаси, ўтган йилги даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси юзасидан ҳисобот беради. Башарти сизнинг ХУМШда бундай қилинмаган бўлса, демак у қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда ишлаётган бўлади. Йилнинг бошларида сиз ширкат раиси ёки бошқарувдан ХУМШ аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши ўтказилишидан хабардор этилишини талаб қилишингиз керак.

Уй аҳлининг хабардорлик даражасини яхшилаш учун умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар **бошқарув** ХУМШ аъзоларини ишлар режасининг, даромадлар ва харажатлар сметаларининг, мажбурий бадал миқдорининг лойиҳалари билан танишиш имкониятини таъминламоғи **шарт** *(Қонуннинг 20-моддаси)*. Бундан ташқари, агар ширкат биттадан ортиқ уйни бирлаштирган бўлса, жой мулкдорлари йиғилиши олдин ҳар бир уй бўйича ўтказилмоғи керак. Бунда ўша ҳужжатларнинг ўзи, яъни режа ҳам, сметалар ҳам ҳар бир уй бўйича, умумий режа ва сметанинг бир қисми сифатида алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади *(Қонуннинг 23-моддаси)*.

ХУМШларимиз уйларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашга доимо маблағ етишмаслигидан нолийдилар. Муаммоларга ўралашиб қолган ХУМШда,

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

юқорида газетхонимиз ўз хатида ёзганидек, йил охирига келиб пул қолиши шубҳа уйғотади. Шунга қарамай, чиндан ҳам пул ортиб қолган бўлса, уй аҳлининг бадаллари ҳеч бир йўсинда ҳисобдан чиқарилмаслиги керак. Чунки бу маблағлар келаси йилга ўтказилади ва келаси йилги сметага асос бўлади.

Ширкатларингиз аъзолари умумий йиғилишда иштирок этиб, иш режасини, сметаларни, бадал миқдорини тасдиқлаганларида эди, уйингизда икки марта таъмирланган том ҳақидаги масалага ўрин бўлмасди.



Газетхонимизнинг хатида ёзилишича, *«кўп қаватли уйни таъмирлаш ишига шаҳар капитал қурилиш бошқармаси томонидан маблағлар ажратилади, шунга қарамай уй аҳлидан қўшимча равишда нақд пул ҳам йиғишади»*.

Мабодо кўп қаватли уй 1991 йилгача қурилган уйларни капитал таъмирлаш дастурига кирадиган бўлса, бундай таъмирлаш ишини қўшимча молиялаштириш шароитида ўтказиш учун маблағларнинг каттагина қисми (70 фоизи) давлат томонидан – вилоятларда капитал қурилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳрида эса Тошкент шаҳар ҳудудий коммуналфойдаланиш бирлашмаси орқали амалда ажратилади, капитал таъмирлаш қийматининг 30 фоизи ширкат мулкдорларининг депозит ҳисобварақда жамланадиган маблағлари ҳисобидан таъминланмоғи керак.

Юридик шахс сифатида ширкатнинг нақд пул билан бажариладиган ишларни амалга ошириши тақиқланган. Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ ширкатнинг пул маблағлари ХУМШ аъзоларининг мажбурий ҳамда ихтиёрий бадалларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялардан, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар (фойда) ва қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа даромадлар ҳамда тушумлардан таркиб топади. Баъзи ХУМШлар нақд пул тўплаш йўлига ўтиб олишган. Бу қонунчиликни қўпол тарзда бузишдир, айниқса ХУМШ раҳбарларининг ўзи шунга ундасалар янада ёмон. Буни таъмагирлик ва хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш деб аташдан бошқа илож йўқ. Айрим пайтларда уй аҳли **мажбурий бадаллардан ташқари** ихтиёрий бадаллар тўлайдилар. Масалан, уй серқатнов жойда жойлашган ва йўлакларга бегона одамлар кириб-чиқаверадиган бўлса, металл эшик, домофон ўрнатишни кўзлаб қолишади. Аммо аксарият қўшнилар энг катта ташвиш чакка ўтиб ётган томни таъмирлаш эканлигидан келиб чиқиб, бошқа ишларга чалғимаслик учун фақатгина томни таъмирлашга пул тўпланиши тадоригини кўрадилар. Маслаҳатлашиб металл эшиклар сотиб олиш ва ўрнатишга алоҳида бадал тўлашга келишадилар. Бу режадан ташқари иш, мажбурий бадал ҳисобидан уни амалга ошириб бўлмайди, ширкатнинг ҳисобида бунга мўлжалланган пул йўқ эканлиги сабабли ҳам шундай тўхтамга келадилар. Қўшнилар пул ҳам йиғди дейлик. Энди уни нима қилиш керак? Ўзлари эшик сотиб олиб, уни ўз кучлари билан ўрнатадиган бўлсалар, яхши. Аниқ мақсадга йўналтирилган ана шу бадал пулларини ширкатга эшиклар сотиб олиш ва ўрнатиш учун топшириш мумкин. Бунда ХУМШ раиси номига уй аҳли томонидан эшиклар сотиб олиш ва ўрнатиш учун шунча миқдорда нақд пул йиғилганлигини кўрсатган ҳолда ариза ёзиб, нақд пулни ширкатга топширадилар. Айни чоғда ишлар тугаллангач, раис бажарилган иш юзасидан ҳисобот бериши қайд этиб ўтилади. Тўғри, бу масала ҳозирча қонун ҳужжатларида етарлича тартибга солинмаган.

*«Ширкатимиз ходимлари уй олдидаги буталарни қўпориб олиб ташладилар,* – деб фикрини давом эттиради газетхон. – *Бу уларнинг ери, нимани хоҳласалар, шуни қила олар эмишлар. Уй аҳлини ҳудудни тозалашга мажбурлайдилар. Кимдир соғлиғи важидан ёки ишда банд эканлиги сабабли бу тадбирда иштирок эта олмаса, ундан пул беришини талаб қиладилар, ҳатто муайян миқдорни ҳам белгилаб қўйишибди. Мен бу суммани камайтиришни сўраган эдим, аммо ХУМШ раҳбари жеркиб берди»*.

Гап шундаки, шўролар давридаёқ ҳовлидаги буталарнинг баландлиги 60 см дан ошмаслиги белгилаб қўйилган эди. Ҳозирги кунда бундай кўрсаткични, шунингдек уй атрофидаги ҳудудда қонунга хилоф тарзда барпо этилган уйга туташ ҳудудларда хўжалик иморатларини бузиб ташлашни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар йўқ. Шу боис бу масала маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уйга туташ ҳудудларни ободонлаштиришга қаратилган фармойишлари билан тартибга солинади.

Ер участкалари ширкатга (аммо ширкат раисига эмас!) доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида, белгиланган тартибда берилади *(Қонуннинг 35-моддаси)*. ХУМШ мажбуриятлари сирасига умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини асраш ва сақлашни таъминлаш вазифаси ҳам киради *(Қонуннинг 16-моддаси)*. Шу сабабли уй аҳлининг умумий йиғилишида уйга туташ ҳудудни қай тартибда сақлаш масаласи, яъни бу ишга фаррош ёллаш ёки бошқарувчи ташкилотга буюртма бериш ёхуд бошқа йўсинда амалга ошириш масаласи ҳал этилмоғи керак. Маблағни тежаш мақсадида мулкдорлар умумий йиғилиши ҳудудни ўз кучлари билан, ҳашар тартибида тозалаб туришга қарор қилишлари, иш жадвали ишлаб чиқишлари, ҳудудни участкаларга бўлишлари мумкин. Умумий йиғилишда ёки баъзи ХУМШлар ишлаб чиқаётган ички тартиб-қоидаларида бирон сабаб билан ҳудудни тозалашда иштирок эта олмайдиганлар учун муайян ҳақ тўлаш белгиланиши мумкин. Бунда ҳам мазкур суммани ўша одам кимга тўлаши лозим деган савол туғилади. Бу ҳолат ҳам умумий йиғилишнинг қарорида ёки ички қоидаларда белгилаб қўйилмоғи керак. Мулкдорларнинг аксарияти нақд пул кўринишидаги бу суммани ширкатга тўлайдилар, бу эса қонун талабларини бузишдир, чунки ана шу пуллар кейинчалик нимага харжланиши мубҳамлигича қолади. Мулкдор ариза ёзиб фалон миқдордаги суммани ҳудудни тозалаш мақсади учун киритаётганлигини ифода этса, раис тегишли тартибда ҳужжатларни расмий-

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

лаштирган ҳолда бу пулни дарҳол ХУМШнинг ҳисоб-китоб варағига ўтказса, бутунлай бошқа гап. Лекин бундай оворагарчилик, ортиқча ташвиш ҳаммага ҳам ёқавермайди. Лекин бошқа илож йўқ. Агар ширкат Қонун бўйича ишламоқчи бўлса, ҳар бир ҳаракати қонуний асосда бўлиши ва қайд этиб борилиши керак. Ўзига ажратилган ҳудудни тозалашнинг уддасидан чиқа олмаётган мулкдор бу ишни бажаришга мардикор ёлласа ёки қўшни участкани тозалаётган қўшнисига пул бериб ҳудудни тозалаттирса ҳам эътироз йўқ.

*«Уйимизнинг ёнидан совуқ сув таъминоти магистрал тизими ўтган бўлиб, у аллақачон ишдан чиққан,* – дейди газетхон ўз хатида. – *Натижада уйимиз пойдевори чўкмоқда, квартиралар қийшайгани сезилмоқда, юқори қаватлардаги деворларда ёриқлар ҳам пайдо бўлди».*

Ширкат (уй аҳли) аварияли ҳолатни бартараф этиш ҳамда мулкдорларнинг умумий ва шахсий мулкига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш талаби билан «Сувсоз» идорасига ариза билан мурожаат этиши керак. Айни бир вақтда уй-жой фондининг хавфсизлиги учун жавобгар ҳокимликка ҳам мурожаат этмоқ лозим. Борди-ю, «Сувсоз» идораси чора кўрмаса, судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш лозим.

# БАМАСЛАҲАТ ҲАЛ ЭТИЛСА

***Мен – ширкат аъзосиман. Лекин, афсуски, ХУМШ раҳбарларининг уйимиз ҳақида ғамхўрлик қилаётганлиги сира сезилмаяпти. Биздан пул талаб қилишни билишади, лекин бу пуллар қайси ишларга сарфланишини ҳеч биримиз билмаймиз. Квартираларнинг ички тузилишини ўзгартиравергангликларидан уйимиз бузилиш даражасига келиб қолганлигига ширкат эътибор қилмаяпти. Кўпчилик мулкдорлар квартирасини таъмирлаётганда деворларни олиб ташлайдилар. Бу ишнинг оқибати уйнинг техник ҳолатига ва қўшниларнинг хавфсизлигига қандай таъсир этиши эса ҳеч кимни қизиқтирмайди. Аслида ширкатга ким раислик қилишини ҳам билмаймиз. Ширкатнинг ижрочи директори қилинган ишларга оид далолатномаларни, иш режаларини, ширкат уставини, тафтиш комиссияси ҳисоботини менга кўрсатишни истамади. Бундай вазиятда нима қилиш кераклигини тушунтириб берсангиз.***

**Г.Ефанова.**
**Тошкент шаҳри.**

– «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга *(2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон, бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* мувофиқ ХУМШ уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва уни сақлаш, асраш ҳамда таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилади *(4-модда)*. ХУМШда асосий фаолият олиб борувчи шахслар квартира мулкдорлари бўлиб, улар умумий йиғилишда ширкат раисини, ширкат бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайдилар, ижрочи директор номзодини тасдиқлайдилар. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати намунавий уставининг 6.1-бандига мувофиқ **ширкат аъзолари ХУМШ фаолияти тўғрисида,** умумий мол-мулкнинг ҳолати, қилинган ва қилинадиган умумий харажатлар ҳақида уставда белгиланган тартибда **ахборот олиш ҳуқуқига эга.**

Уйдаги умумий мол-мулк таъминотига мўлжалланган бадаллар миқдори ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади. Унинг миқдори мулкдорларнинг имкониятларига ҳамда келаси йилга қандай ишлар режалаштирилганлиги-ю умумий йиғилишда қайси ишлар тасдиқланганлигига боғлиқ.

Квартиранинг ички тузилишини ўзгартириш хусусига келганда шуни айтиш керакки, кейинги вақтда бу нарса чиндан ҳам оммавий тус олди. Кўпгина одамлар ҳеч қандай рухсатномаси бўлмай туриб таъмирлаш ишларини амалга ошириш чоғида хаёлларига келган ишларни амалга оширмоқдалар. Бу эса қўни-қўшниларга ва умуман уйга кулфат келтириши мумкин. Таассуфки, буни ҳеч ким назорат қилмаяпти. Ҳолбуки Уй-жой кодексининг 24-моддасида белгиланишича, кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори ўзига тегишли жойни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатномасисиз ўзбошимчалик билан қайта қурган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ва ўзига тегишли жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириб қўйиши шарт. Қонуннинг 15-моддасида ширкат умумий мол-мулкни асрашни таъминлаш мақсадида мулкдорларнинг жойларини белгиланган тартибда қайта қуриш, ўзгартириш, қайта жиҳозлаш келишиб олинишини амалга оширади дейилган. Келишиб олиш тартибини белгилаш эса ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколати саналади *(Қонуннинг 19-моддаси)*.



Агар ширкатнинг иши сизни қониқтирмаётган бўлса, сиз ҳатто ширкат раиси кимлигини ҳам билмасангиз ва умуман раис бор-йўқлигидан бехабар бўлсангиз, ХУМШдаги ишлар мулкдорлар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса, ширкатдаги ишларни рисоладагидек йўлга қўйиш ҳақида гапириш қийин. Борди-ю, сиз яшайдиган уй бир неча уйлардан ташкил топган ширкат таркибига кирса, ўзингиз яшайдиган уй негизида бир уйдан иборат ХУМШ ташкил этиб кўринг, қўни-қўшнилар орасидан инсофли, виждонли одам топиб

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

раис қилиб сайланг, бошқарув ва тафтиш комиссияси аъзоларига ҳам баобрў одамларни аъзо қилинг. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда уйга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни қай йўсинда йўлга қўйиш кераклиги муфассал тушунтирилган. ХУМШ ташкил этиш механизмини, қарорлар қабул қилиш, умумий йиғилишларни ўтказиш тартибини, мулкдорлар ва ширкатнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини билмай туриб, уйдаги умумий мол-мулкни кўнгилдагидек бошқаришнинг ҳам, унга хизмат кўрсатишнинг ҳам иложи йўқ. Натижада уй аҳли ўзини камситилган ҳисоблаб нолиб, бошқалар ўз ҳукмини ўтказаётганидан ранжиб юраверади, уй эса тобора кўримсиз тус олиб тутдай тўкилаверади. Қонун, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятига таааллуқли бошқа ҳужжатларни туман ёки шаҳар ХУМШлар уюшмасидан олишингиз мумкин. Биз истаймизми-йўқми, барибир кўп қаватли уйдаги ҳолат ҳақида ўзимиз ўйлашимиз, ўзимиз ғамхўрлик қилишимиз шарт. Бу ишни қай йўсинда амалга оширишни эса қўни-қўшнилар билан бамаслаҳат ҳал этмоқ лозим.

# БАРЧА САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БОР

***Мен икки қаватли коттежда яшайман, унда бор-йўғи 8 квартира бор. 1993 йилгача уй 2-сон меҳрибонлик уйи ихтиёрида эди. Ҳозир ширкатга киради. Мен 20 йилдан бери коттежнинг уй қўмитаси раисиман, ХУМШнинг барча ташкилий ишлари ва тадбирларида қатнашаман. Қуйидаги саволларимга жавоб берсангиз.***

***1. Бизнинг уйимизда йўлаклар ҳам, ертўлалар ҳам мавжуд эмас, бироқ ҳақни кўп қаватли уйлардагидек тўлаймиз.***

***2. Канализация қувурлари, иситиш ва сув таъминоти тизимлари, радиаторлар, унитазлар, аралаштиргичларни қанча муддатда ва ким алмаштириши керак?***

***3. Биз ХУМШ хизматларидан бош тортишга ҳақлимизми ва у қандай тартибда амалга оширилади?***

***4. Умумий мол-мулкни капитал таъмирлашга нималар киради, 1 ва 2-титуллар нима?***

***5. Фойдаланиш харажатларини нима учун тўлаяпмиз?***

***6. Баъзи ширкатларда уй қўмитаси раислари ўз иши учун мукофот ва фойдаланиш харажатларини тўлаётганда чегирмалар олишар экан. Мен 20 йилдан бери уй қўмитаси раиси бўлиб ишлайман, бироқ ҳеч қачон ҳеч нарса олмаганман.***

**Х.Мамажонов.**
**Тошкент шаҳри.**

– **1.** Уйингизда ертўла ҳам, йўлаклар ҳам бўлмаса-да, сиз мулкдорлар сифатида ўз ҳисобингиздан биргаликда тутиб туришга мажбур бўлган бошқа умумий мол-мулк бор. Булар том, уй ичидаги муҳандислик коммуникациялари – иссиқлик таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти тизимларидир. Уй атрофида уйга туташ ҳудуд бор, уни ҳам турар жойларнинг мулкдорлари тоза ва тартибли тутиб туришлари шарт.

**2.** Жой мулкдорлари уйдаги умумий мол-мулкни бирга тутиб туришлари боис, уларни қанча тартибда ва қандай муддатда таъмирлашни уларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Аввало бу уларнинг молиявий имкониятларига боғлиқ. **Квартирада жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланмаган барча нарсага** (аралаштиргичлар, унитазлар, бачоклар, радиаторлар, канализация қувурлари, ванналар ва бошқалар) **мулкдорлар хизмат кўрсатадилар ва уларни ўз ҳисобларидан алмаштирадилар.**

**3.** Республикада кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатишнинг асосий усули ХУМШларни барпо этиш ҳисобланади. Бироқ қонунчилик бошқа вариантни – юридик шахсни (ширкатни) ташкил этмайдиган мулкдорлар жамоасини ҳам назарда тутади. *Бу ҳақда газетамизда «Норма маслаҳатчи»нинг 2010 йил 22 июндаги 25 (258)-сонида чоп этилган «Ўзи бўлак бўлганда» материалида ҳикоя қилинган.*

**4.** Агар таъмирлаш вақтида бажарилган ишлар ҳажми умумий ҳажмнинг 80%идан кўпроғини ташкил қилса, ШНК 1.04.02-05 «Турар жойларни капитал таъмирлаш. Лойиҳалаш нормалари»га кўра у капитал таъмирлаш ҳисобланади. Қолган ҳаммаси жорий таъмирлаш бўлади. Ўзбекистонда 2002 йилдан бошлаб 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уйларни капитал таъмирлаш давлат дастури амалга ошириляпти, у 2010 йилда якунланади. Давлат бундай уйларни таъмирлашда ёрдам кўрсатяпти. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун капитал таъмирлашни улушли молиялаш принципи қабул қилинди, бунда маблағларнинг 70%ини давлат, 30%ини эса ширкат тимсолида турар жойларнинг мулкдорлари беради. Нобюджет қисмни ширкат аъзолари махсус депозит ҳисобрақамида жамлаб, ҳар ойда унга бадалларнинг бир қисмини ажаратадилар. Агар уйда яшовчилар 30 фоизлик молиялаш улушларини шакллантирсалар, уй капитал таъмирланади. Капитал таъмирлашнинг 1 ва 2-титуллари мавжуд эмас. 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уйларни капитал таъмирлаш учун ягона манзилли рўйхат мавжуд. Унга кириш учун капитал таъмирлашга заруратни нуқсонлар далолатномалари билан пухта тасдиқлаш ва ҳужжатларни капитал таъмирлашнинг бош буюртмачиси ҳисобланган Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасига топшириш керак.

**5.** Умумий мол-мулкни тутиб туриш муайян харажатларни талаб қилади. Улар «фойдаланиш харажатлари» деб эмас, балки **умумий мол-мулкни тутиб туришга мажбурий бадаллар** деб аталади. Мажбурий бадалларнинг миқдори ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади. Сизнинг уйингизда у, айтайлик, тўққиз қаватли уйдагидек бўлиши мумкин эмас, бундай уйда, шубҳасиз, умумий мол-мулк билан муаммолар кўпроқ бўлади. Бадал миқдори сиз ўз уйингизда бажармоқчи бўлган ишларнинг қандайлигига боғлиқдир. Барча уйлар бир-биридан техник ҳолати бўйича фарқланади. Бир уйда – том бутунлай яроқсиз ҳолга келган, демак кўп чиқим талаб қилади. Бошқа уйда – ҳаммаси тартибли, ширкат фақат жорий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Тегишинча, биринчи уй хонадон эгалари тўлайдиган бадаллар иккинчи уйда яшовчиларникига қараганда анча юқори бўлади. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда *(2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон, бундан кейин – Қонун)* ҳатто бир ширкатдаги уйларга нисбатан объект бўйича ёндашув белгиланганлиги бе-

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

жиз эмас. Яъни Қонун ҳар бир алоҳида уйда мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, турли уйларнинг мулкдорлари учун мажбурий бадалларнинг турли миқдорини белгилашга қадар уни тутиб туришга якка тартибда ёндашув имконини белгилайди *(Қонуннинг 23-моддаси)*. Бироқ, афсуски, ушбу принцип ҳар доим ҳам ишламайди. Амалда барча ХУМШ раҳбарлари (айрим истисноларни айтмаганда) ўзлари учун манфаатли бўлган «бараварлаштириш» принципига таянишни афзал кўрадилар, бунда мулкдорларнинг ширкат ишидан хабардор эмасликлари ва бунга чуқур киришишни ҳам хоҳламасликларидан фойдаланадилар.

**6.** Уй қўмитаси раисини кишиларни уйни янада ободонлаштириш ғояси атрофига жипслаштириш йўлида фаол ишлаганлиги учун тақдирлашга келсак, мулкдорлар умумий йиғилишда уй қўмитаси раисини муайян муддатга мажбурий бадални (ёки бадал бир қисмини) киритишдан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин. Тошкент шаҳар ҳокимининг «Аҳолининг яшаш жойларида жамоат бошқарувини такомиллаштириш, уй-жой фондини тартибли сақлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(2010 йил 13 апрелдаги 195-сон)* билан белгиланишича, маҳалла фуқаролар йиғинларининг тақдимномаси бўйича кўп квартирадаги уй-жойларнинг уй қўмитаси раисларига «Маҳалла» хайрия жамғармаси орқали тақдирлаш ҳақи тўланади. Бунда уйда ўрта ҳисобда камида 50 квартира бўлиши керак.

---

***Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари – турар жой мулкдорларининг бирлашмаси, у мулкдорларнинг ташаббусига кўра уй-жой фондини биргаликда бошқариш, сақлаб туриш ва таъмирлашни таъминлаш учун барпо этилади. Ширкат ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият юритади. Квартира эгаларининг ўзлари уйдаги умумий мол-мулкни қандай сақлаб туришни ҳал қиладилар. ХУМШ иши унинг фаолиятига бошқа тузилмалар аралашмаслигига асосланиб қурилади. Қонун ҳужжатлари уй-жой-коммунал соҳани тартибга солишда ҳокимликларнинг ролини қандай тартибга солишини билмоқчи эдим. Аниқроғи, уларнинг ваколатлари қаерда бошланади ва тугайди? Ширкатларни давлат қай тарзда қўллаб-қувватлаши мумкин?***

**Б.Умаров.**
**Тошкент шаҳри.**

# ХУМШни РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ ЎРНИ

– Уй-жой кодексининг 5-моддасида белгиланишича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;

уй-жой фондини ва коммунал объектларни бошқаришни ташкил этиш;

ўз тасарруфидаги ҳудудда коммунал хизматларга оид тариф сиёсатини белгиланган тартибда шакллантириш;

уй-жой фондини ҳисобга олиш;

давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида бериш;

давлат уй-жой фондидаги турар жойларни улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун юридик шахсларга аренда шартномаси шартлари асосида бериш;

уй-жой фондидан фойдаланилиши ва унинг асралиши, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифати устидан назоратни таъминлаш;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари орасидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ҳамда уларни аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой билан таъминлаш;

фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари учун уй-жой қуриш;

уй-жой қурувчиларга уй-жой қуриш учун, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига доимий фойдаланишга белгиланган тартибда ер участкалари бериш;

уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси объектларининг лозим даражада сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш;

давлат уй-жой фондининг турар жойларини



*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

бронлаштириш ва алмаштириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»**ги Қонуннинг *(2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон, бундан кейин – Қонун)* 8-моддасида белгиланишича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ширкатлар билан ўзаро муносабатлари **ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда** ташкил этилади.

Шу билан бирга бошқарув раиси ва бошқарувчи (ижрочи директор) ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари **умумий йиғилишнинг кўриб чиқишига** бошқарув раисини чақириб олиш ҳамда бошқарувчини (ижрочи директори) лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларини, шунингдек ана шу лавозимларга номзодлар бўйича тавсияларини кўриб чиқиш таклифини **киритишлари мумкин** *(Қонуннинг 19-моддаси).*

Қонуннинг 7-моддасида белгиланишича, давлат ширкатларнинг ва ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари таъминланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, ширкатларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашади. Ширкатлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

уй-жой соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан стандартлар қабул қилиш;

коммунал хизматларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

уй-жой-коммунал соҳасида хизматлар кўрсатишда рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

имтиёзлар ва кредитлар бериш;

таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудалари бериш;

кўп квартирали уйларни сақлаш ва коммунал хизматларга ҳақ тўлашда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш;

доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкалари бериш;

алоҳида дастурлар қабул қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар кўриш.

# ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОЗОДА БЎЛСИН ДЕБ

***Биз, Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри аҳолиси, сизларга ёрдам сўраб мурожаат этмоқдамиз. Шаҳримиз тоғ бағрида жойлашган. Унинг сўлим гўшалари дам олиб ҳордиқ чиқарувчиларни ўзига чорлагани-чорлаган. Таассуфки, дам олувчилар озодагарчиликни ўйламайдилар, шу сабабли ҳам кейинги вақтларда шаҳримиз анча ифлос бўлиб қолди. Ахлат ва чиқиндиларни қолдирмаслик ҳақидаги лавҳалар иш бермаяпти. Ширкатимиз аъзоларидан ҳам фаррошлик, ҳам қоровуллик қиладиган икки кишига маҳалла фуқаролар йиғини ёки ХУМШ муҳри билан тасдиқланган квитанция бериб, дам олишга келганлар ахлат-чиқинди қолдирганлари тақдирида уларни озроқ миқдордаги суммага жарима қилиш ваколатини бериш ҳақида таклиф тушди. Жарима тариқасида тўпланган пулларни ойнинг охирида шу қоровулларнинг ўзига бериш керак деган фикр билдирилди. 1–2 ой ичида шу йўл билан шаҳримизда озодаликни таъминлаш мумкин деб ўйлаймиз. Айтингчи, шундай қилиш мумкинми?***

***Яна бир муаммо шуки, уй аҳллари 25–30 йиллаб таъмирланмаган йўлакларни ўзаро пул тўплаб таъмирдан чиқардилар, темир эшиклар ўрнатдилар. ХУМШ маъмурияти қурилиш материаллари учун чек тақдим этилмаганлиги боис мажбурий бадалларни қилинган ишларни инобатга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилишдан бош тортмоқда. Аммо биз ҳаммасини бозордан нақд пулга олган эдик. Наҳотки, ўртача бозор нархида қайта ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаса? Қачонгача қоғозни (ҳужжатни) рўкач қилиб яхши ташаббусларни бўғадилар?***

**Янгиобод аҳли.**

– Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати ва маҳалла фуқаролар йиғини турар жойга туташ ҳудудларнинг **санитария-гигиена ҳолатини бузганлик учун жарима жазоси солишга ваколатли эмас.** Бу санитария-эпидемиология назорати хизматининг, Шошилинч санитария хизмати батальонининг, озодалик экологияси назоратининг (санитария милициясининг) ваколатига киради. Ширкат ва маҳалла фуқаролар йиғини шаҳарга туташ ҳудудларнинг озода ва батартиб бўлиши билан боғлиқ ишларни ана шу хизматлар билан биргаликда амалга оширишлари мумкин. Тошкент шаҳрида, масалан, ХУМШ билан санитария милицияси биргаликда иш олиб боришда яхши тажрибага эга, у дуруст натижа бермоқда ҳам.

Тўғри, аҳолининг ўз уйлари атрофини яхшилашга қаратилган ташаббуслари таҳсинга лойиқ, бундай ташаббускорлик кам учрайди. Йўлакларга эшик ўрнатиш ва йўлакларни таъмирлашда ХУМШ раҳбарияти билан низога бормаслик учун, қолаверса мажбурий бадалларнинг бир қисмини қайта ҳисоб-китоб қилиш имкониятини назарда тутиш учун умумий йиғилиш ўтказиб, унда таъмирлаш ишлари қийматини (ҳамонки чек йўқ экан) ўртача бозор баҳосида белгилаб олиш ҳақида қарор қабул қилиш керак эди.

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

***Агар Интернетда «Ақлли уй» («Умный дом») сўзларини қидирувга бериб кўрсангиз, уйингизни «ақл-идрокли уй»га айлантиришни таклиф қиладиган фирмалар кўплигидан ҳайратга тушасиз.***

# УЙЛАРГА ҲАМ «АҚЛ КИРЯПТИ»...

## ХОРИЖДАГИ КАШФИЁТЛАР

Яқинда **Данияда** «дунёдаги энг ақлли ва экологик турар жой» лойиҳаси тақдим этилди, ҳар ҳолда унинг ижодкорлари шундай деб таъкидлашди. Уйнинг ўзи иситиш ва сув таъминоти тизимини бошқаради, чироқни ёқади, деразаларни очади ва ҳатто маълум соатда қаҳва қайнатади, овқат тайёрлаши ва уни иситиши, пол чангини супуриб-сидириши ва ваннани сиз учун керакли ҳароратгача сув билан тўлдириши мумкин. Датчиклар қуёш ҳаракатини кузатадилар, компьютер эса дераза ва пардаларни ёпиб-очиб туради.

Бундан ташқари ушбу уй ўзининг қуёш батареяси билан электр ишлаб чиқаради, ҳатто ортиқча электр энергиясини сотиш ҳам мумкин.

Илк бор «ақлли уйлар» 1978 йили **Қўшма Штатларда** пайдо бўлган. Ўшандан бери ҳашамдорлик рамзи бўлиб келишяпти. Масалан, Билл Гейтснинг энг ақлли ҳисобланган кошонаси 53 миллион доллар туради. Унда барча электроника ва маиший техника – иқлим тизимларидан тортиб телевизорларгача мураккаб компьютер тизимлари билан бошқарилади, улар ёруғлик ва мусиқани ёқади, бунинг устига ёруғлик ва мусиқий кузатув кирган кишининг ҳаракатига қараб «ақлли» хоналар бўйлаб созланишига асосланиб ўзгаради.

Дарвоқе, ушбу кошона қурилган вақтдан бери уй электроникаси янада «ақллилашди». Профессионал инсталлятор ёритиш, иситиш асбоблари ва кондиционерларни бошқаришнинг ягона тизимини ўрнатиш мумкин. «Ақлли уй» сиз хонада бўлмаган тақдирда асбобларни ўзи ўчиради, ётоқхона ёки болалар хонасидаги чироқнинг ёруғини пасайтиради, кичкинтойингиз учун тинчлантирувчи мусиқани қўяди, агар болакай ўйинга берилиб кетса, қатъий белгиланган вақтда телевизор ва компьютерни ўчириб қўяди. У барча хоналарда ҳаво зарур намликда бўлишини таъминлайди (бунда даражаси хонага мос равишда ўзгариши мумкин – масалан, ваннада ҳаво бошқа хоналардагига қараганда қурукроқ бўлади), тизимни кундузги вақтда тежамли режимга созлайди (уйда ҳеч ким бўлмаганда барча тизимлар, электр ва иситиш асбоблари ўчирилади) ва ҳаво уй эгалари қайтишига исийди, ётоқхонани шамоллатади. Кондиционерлаш тизими билан бирга интеграцияланган ёнғинга қарши тизим ёниш жойида кислород берилишини тўхтатади, газ ёки тутун чиқиши билан датчиклар ишлаб кетиб, ўз-ўзидан вентиляторларни ёқади. Шу тариқа, газ плитасидан озгина газнинг чиқиши сезилмасдан қолмайди, ундан уй эгалари ва газ хизмати мутахассислари огоҳлантирилади.

Агар сиз узоқ вақтга сафарга чиқишни режалаштирсангиз, муайян тартибда созланган чироқ ва мусиқа ўз-ўзидан ишлаб, уйда одам бордек тасаввур ҳосил қилади. Ўрнатилган проектор уй эгаларининг сояларини кўрсатиб туради, ҳаракат датчиги ва овоз тақлидчиси қоровул итнинг қаттиқ ҳуриши ва ҳатто уйда яшовчиларнинг ғазабли овозлари билан ўғриларни қочиради. Бунда уй ҳудудига бегоналар кирган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўнғироқ қилиниши мумкин. Энг мукаммал хавфсизлик тизими бадният кишини (агар у уйга кира



олган бўлса) хонада банди қилиб, эшикни беркитиб қўйиши, уни газ, тутун билан беҳуш қилиши ёки кийими ва терисида кетмайдиган бўёқ доғи қолдириши мумкин!

Уйда йўқлигингизда тизим ўсимликлар ва хонаки ҳайвонлар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиши мумкин – уларга вақтида овқат берибгина қолмай, мушук ёки итингиз сайрга чиқишни хоҳласа, ҳаракат датчиклари эшикни очишлари ва ёпишлари мумкин. Аквариумни кислород билан таъминлаш тизими ишлайди, таймер чироқни ёқиб-ўчиради, аквариумга ем солинади.

Маиший техника ҳам «ақлли» бўлиб қолди. Масалан, **«ақлли» совуткич** сиз учун мақбул рационни танлайди, зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг қайсиниси тугаганлигини хабар қилади. Унинг ўзи ҳам уларни Интернет-дўкондан буюртириши ва буюртирилган товарларнинг ўровларидаги яроқлилик муддатларини назорат қилиши мумкин. Бунда у сизни барча харидлардан хабардор қилиб, sms ёки электрон почтага хатлар юборади.

**«Ақлли» микротўлқинли печка** турли кулинария сайтларидан мос рецептларни олади, улар бўйича сиз танлаган таомни ҳам тайёрлайди, нафақат уни тайёрлаш қандай бораётганлигини, балки калориялилиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам экранга чиқаради. Таймер эса иссиқ овқат келишингизга тайёр бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

**«Ақлли» кир ювиш машинаси** турли хил кийим ва газмолларни тозалаш учун дастурларни Интернетдан олади, шунингдек уй эгалари ва сервис маркази тизимдаги узилишлар ҳақида олдиндан хабар қилиб, жиддий бузилиш ва сув босишнинг олдини олади. «Кўзи» – датчиклари бўлган **«ақлли» чангютгич** гиламларни ўзи тозалаб, зарядланиш учун таъминот блокига қайтади.

**Японлар** ҳам янада илгарилаб кетишди. Улар уйдаги барча ишларни қила оладиган ақлли аппаратларни яратиб қолмай, ҳатто роботларни 30 нафарга яқин кишини юзларига қараб таниш ва 200 га қадар турли операцияларни бажаришга ўргатдилар. Роботлар котиб ва ёрдам-

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

чи, кичкина бола ва оғир беморнинг энагаси бўлиб ишлай оладилар. Бундай энага робот дори, ичимлик кабиларни беригбина қолмай, фалаж ёттан беморни (оғирлиги 120 килограммгача!) оҳиста кўтариб, бемор креслосига ўтказа, қайта тўшакка ётқиза оладилар, бунда беморнинг оғзаки буйруқларини ҳам бажарадилар.

### БИЗНИНГ КВАРТИРАМИЗДА ЭСА...

Ҳозирда, Интернетдаги эълонларга ишонилса, **Россия ва Ўзбекистоннинг** «ақлли уй» тизимини ўрнатувчи **фирмалари** мижоз учун жон-жаҳдлари билан курашмоқдалар – бир-биридан ғаройиб «махсус таклифлар» экранни банд этган! *«Муҳандислик тизимларини лойиҳалашга комплекс шартнома тузилган тақдирда биз танловингизга кўра хонаки кинотеатр ёки марказлаштирилган чанг тозалагич тизимини бепул лойиҳалаштириб берамиз!»*; «Компаниямиз томонидан сизнинг объектингизда 5 та дан ортиқ муҳандислик тизими ўрнатилса, совға оласиз – идорадан ташқари қўриқлаш пультига бепул улаймиз!»; Дўстларингизни олиб келинг ва ажойиб совғага эга бўлинг! Агар дўстларингиз «Ақлли уй» тизимини буюртиришса, сиз тузилган шартнома суммасининг 3%и қийматида совға оласиз!» ёки «Агар сиз янги уй ёки катта квартирага эга бўлсангиз ёки уни сотиб олмоқчи бўлсангиз, билиб қўйинг: йигирмата машинага мўлжалланган ер ости гаражи, Роҳат кўлидек келадиган сув ҳавзасисиз ҳам яшаш учун мукаммал муҳит яратиш мумкин»; «Ақлли уй» – ўз вақти ва шинамликни қадрлайдиган тараққийпарвар кишилар танлайдиган илғор технология, интеллектуал IT-тараққиёт чўққисидир. Улар учун «Ақлли уй» – норма, оилалари вақтини мамнуният билан ўтказадиган замонавий турар жой стандартидир. Қимматга тушадиган ва серҳашам ҳузурҳаловат ўрнига турар жойларни автоматлаштириш кишининг қулай ва шинам муҳитда яшаши учун заруратга айланиб боряпти»...

«Ақлли уй» – ҳамёнбоп, қўллашда оддий, усиз яшаб бўлмайдиган заруратдир. Бунинг учун кўп пул сарфлаш шарт эмас», – деб илгари сураяптилар. Бу гапга ишониш қийин. Бундай фирмалардан бирининг ходими айтишича, Россияда бадавлат кишиларнинг фақат бир нечтасигина ўз уйларини электроника билан тўлиқ жиҳозлайдилар. Ўзбекистонда ҳам фақат битта-иккита ноу-хауни харид қиладилар. Россияликларга ўз уйларида таомни Интернет орқали буюртирадиган «ақлли» совуткич, оилавий фотосуратларни кўрсатадиган телевизор сингариларни ўрнатиш ёқади. Иситиш, кондиционерлаш ва электр таъминотининг автоматик тизимлари кўпроқ харид қилинади. Бизда ва Россияда бадавлат кишилар ўз хавфсизликларига катта эътибор берадилар. «Ақлли уй»нинг хавфсизлик тизими эса қўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси ҳамда видеокузатувни ўз ичига олган. Ғайриоддий вазиятда «ақлли уй» тизими уй соҳибини, ҳатто у уйда бўлмаса ҳам, юз бераётган воқеадан хабардор қилади.

Ўз ҳолича сенсор электроника жуда қиммат туради ва махсус қаровни талаб қилади. Бундан ташқари, унга тегишли хизмат кўрсатишга ҳар йили минглаб доллар сарфланади. Қисқаси, «ақлли уйлар» ижодкорлари илгари сурадиган энергия тежамкорлиги бундай турар жойларни харид қилиш ва тутиб туриш харажатларининг умумий ҳажми билан таққослаганда арзимас бўлиб туюлади.

Шундай бўлса-да, мутахассислар яқин орада «ақлли уйлар» дунё аҳолисининг кенг қатламлари учун ҳамёнбоп бўлишига ишонадилар.

Бироқ, таҳлилчиларнинг қайд этишларича, «ақлли уйлар» кенг шуҳрат қозонмади. Квартираларга ўрнатилган «ақлли уй» тизимларининг барча имкониятлари ишлатилмайди. Мегаполисда «ақлли уй» кўп фойда келтирмайди – шаҳарда қандай ҳодиса юз беришини олдиндан айтиб бўлмайди.

Лекин тизимларнинг ижодкорлари «ақлли уйлар» мегаполис квартираларидан ҳам ўрин олишига, ҳозирча фақат элита турар жойлар учун хос бўлган тизимлар, муҳандислик ечимларини аста-секин бизнес-класс тоифаси ҳам қўллашига умид қиладилар. Уйни қўриқлаш ходими ва домофон ҳам илгари фақат элита уйларда бўлган...

***Интернет материаллари асосида.***

## Сиз учун ҳужжат

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИНГ КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРИДА ЛИФТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ЯНГИЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 35-36-сон, 303-модда»).*

Аҳолининг кўп квартирали уйларда яшаши учун қулай ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш, авария ҳолатларининг олдини олиш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган 2010-2011 йилларда республика шаҳарларидаги ҳамда 2010 – 2014 йилларда Тошкент шаҳридаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастури 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурининг бажарилиши юзасидан шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тош-

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

кент шаҳар ҳокимлари, шунингдек уй-жой фонди сақланиши мониторингини олиб бориш комиссиялари раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурини амалга ошириш харажатларини молиялаштириш тенг улушларда:

маҳаллий бюджет параметрларида белгиланган тартибда назарда тутилган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг йил бошидаги бўш қолдиқлари ҳамда прогнозлардан ортиқча тушумлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

2010 йилда Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурини амалга ошириш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогнозлардан ортиқча тушумлари ҳисобига молиялаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2011-2014 йиллар учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар асосида Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурининг бажарилиши учун зарур бўлган маблағларни назарда тутсин.

4. Қуйидагилар:

кўп квартирали уйларда лифтларни таъмирлаш ва янгилаш бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, Тошкент шаҳрида – Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси буюртмачи этиб;

«Самарқанд лифтсозлик заводи» ОАЖ – белгиланган тартибда декларация қилинган нархлар бўйича – лифтлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар етказиб берувчи этиб;

лифтларни монтаж қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар танлов асосида – пудратчи этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси пудратчи томонидан лифтларни алмаштириш ва таъмирлаш бўйича бажарилган ишларнинг қабул қилиниши учун жавоб берадилар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уларнинг уюшмалари билан биргаликда бир ой муддатда кўп квартирали уйлардаги лифтларни тўлиқ хатловдан ўтказсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

кўп квартирали уйлардаги лифтларни хатловдан ўтказиш натижаларига кўра ҳар йили, 2010-2011 йилларда республика шаҳарларида ва 2010 – 2014 йилларда Тошкент шаҳрида лифтларнинг техник ҳолати тўғрисида носозлик далолатномаларини тузсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда лифтларни янгилаш ва таъмирлашнинг аниқ дастурларини белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» қўмитаси ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда ҳар йили лифтларни таъмирлаш-тиклаш ишларининг чекланган қийматини белгиласинлар;

ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишларни назорат қилсинлар;

ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурининг бажарилиши тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

6. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2010 йил 1 октябргача лифтларга зарур тарзда хизмат кўрсатиш ва уларни сақлаш ҳамда улардан хавфсиз фойдаланишни ташкил этиш юзасидан тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин;

текширишлар режасини олдиндан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишмасдан кўп квартирали уйларда ўрнатилган лифтларнинг техник ҳолатини тизимли асосда назорат қилсин;

лифтлардан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уларнинг уюшмалари иштирокида семинар ўтказилишини ташкил этсин;

манфаатдор ташкилотларга ушбу ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига лифтларга хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш бўйича курслар ўтказилишида кўмаклашсин.

7. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 йил 1 ноябргача бўлган муддатда Лифтларни ўрнатиш ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Хўжаев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2010 йил 29 август*
*191-сон.*

**Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.**

ЎзР ВМнинг 2010 йил 29 августдаги қарорига
1-ИЛОВА

## 2010–2011 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРИДАГИ КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРДА ЛИФТЛАРНИ ЯНГИЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ ДАСТУРИ*

(бирлик)

| Т/р | Минтақалар | Жами | Шу жумладан: | | | Шу жумладан йиллар бўйича: | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 2010 йил | | | | 2011 йил | | | |
| | | | | | | | шу жумладан: | | | | шу жумладан: | | |
| | | | янги-лаш | реконст-рукциялаш | капитал таъмир-лаш | жами | янги-лаш | реконст-рукция-лаш | капитал таъмир-лаш | жами | янги-лаш | ре-кон-ст-рук-циялаш | капи-тал таъ-мир-лаш |
| | Жами | 210 | 80 | 39 | 91 | 34 | 27 | - | 7 | 176 | 53 | 39 | 84 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 8 | 8 | - | - | 2 | | | | 6 | 6 | - | - |
| 2 | Андижон вилояти | 5 | 5 | - | - | 2 | 2 | - | - | 3 | 3 | - | - |
| 3 | Жиззах вилояти | 14 | 11 | 2 | 1 | 2 | 2 | - | - | 12 | 9 | 2 | 1 |
| 4 | Навоий вилояти | 21 | 10 | - | 11 | 5 | 5 | - | - | 16 | 5 | - | 11 |
| 5 | Наманган вилояти | 11 | 5 | - | 6 | 3 | 3 | - | - | 8 | 2 | - | 6 |
| 6 | Самарқанд вилояти | 123 | 33 | 37 | 53 | 10 | 10 | - | - | 113 | 23 | 37 | 53 |
| 7 | Тошкент вилояти | 4 | - | - | 4 | 4 | - | - | 4 | - | - | - | - |
| 8 | Фарғона вилояти | 8 | 8 | - | - | 3 | 3 | - | - | 5 | 5 | - | - |
| 9 | Хоразм вилояти | 16 | - | - | 16 | 3 | - | - | 3 | 13 | - | - | 13 |

ЎзР ВМнинг 2010 йил 29 августдаги қарорига
2-ИЛОВА

## 2010–2014 ЙИЛЛАРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРДА ЛИФТЛАРНИ ЯНГИЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ ДАСТУРИ*

(бирлик)

| Т/р | Давр | Жами | Шу жумладан: | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | янгилаш | реконструкциялаш | капитал таъмирлаш |
| ЖАМИ | | 1 753 | 785 | 577 | 391 |
| 1 | 2010 йил | 75 | 75 | - | - |
| 2 | 2011 йил | 418 | 177 | 144 | 97 |
| 3 | 2012 йил | 419 | 177 | 144 | 98 |
| 4 | 2013 йил | 420 | 178 | 144 | 98 |
| 5 | 2014 йил | 421 | 178 | 145 | 98 |

*Иловалар таҳририят томонидан таржима қилинган.


**РЕКЛАМА**

**ГОСКОМИМУЩЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**
**ЗАО «РЕСПУБЛИКАНСКАЯ БИРЖА НЕДВИЖИМОСТИ» ПРИГЛАШАЕТ ВАС НА ОТКРЫТИЕ АУКЦИОННЫХ ТОРГОВ НА ПОВЫШЕНИЕ!**

На аукционные торги судоисполнителями Яккасарайского района выставляются оборудования, принадлежащие СП «Эл Кол», описанные согласно исполнительному док. № 10-0612/(17)5592 от 09.06.2009 г. Место расположения: – Ташкентская обл., Янгиюльский р-н, с/с Эски Ковунчи, ул. Халниязова, дом-1: 1. Линия по производству осветленных фруктовых соков и концентратов. 1-я линия, 1 шт., 2003 г. Стартовая стоимость – 3 832 999 долларов США. 2. Компрессор воздушный, на колёсном шасси, марки VX. 1 шт, 2003 г. Стартовая стоимость – 4 015 долларов США. 3. Насосо-винтовой, МАЕ 90L/AA T32. 1 шт, 2003 г. Стартовая стоимость – 5 605 долларов США. 4. Система безразборной мойки CIP, передвижная. 1 шт., 2003 г, стартовая стоимость – 25 203 долларов США. 5. Насос винтовой МАЕ 90L/AA T32, запчасти. 1 шт., 2003 г. Стартовая стоимость – 11 253 долларов США. 6. Система безразборной мойки CIP, общая линия. 1 шт., 2003 г. Стартовая стоимость – 270 539 долларов США. 7. Линия розлива сока в бутылки ёмкостью 0,5-1 литр, мощностью 5000 бутылок/час, Моноблок типа НП-24. 1 шт., 2003 г. Стартовая стоимость – 111 574 долларов США. 8. Транспортеры, полуавтомат для упаковки продукции в термоусадочную плёнку. 1 шт., 2003 г. Стартовая стоимость – 9 976 долларов США. 9. Этикетировочный автомат 2-позиционный. 1 шт., 2003 г. Стартовая стоимость – 105 177 долларов США. 10. Котёл паровой ДЕ-ГМ 10-14. 1 шт., 1989 г. Стартовая стоимость – 44 740 долларов США. 11. Насос глубинный ЭЦВ-10. 3 шт., 2000 г. Стартовая стоимость – 21 541 долларов США. 12. Насос центробежный 8К-14. 2 шт., 2002 г. Стартовая стоимость – 9 078 долларов США. 13. Станция опрокидывания автомашин на сырьевой площадке по приемке фруктов г/п 30 тн, 2 шт., 2000 г. Стартовая стоимость – 194 467 долларов США. 14. Первичная линия по приемке плодов граната. 2 линия, 1 шт., 2002 г. Стартовая стоимость – 206 743 долларов США. 15. Дополнительное оборудование к линии по переработке плодов граната. 1 шт., 2007 г. Стартовая стоимость – 71 802 долларов США. 16. Компрессор воздушный на колесном шасси, марки VX. 1 шт., 2003 г. Стартовая стоимость – 220 880 долларов США.

Оплата производится в сумах по курсу ЦБ РУз на дату платежа.

**Аукционные торги состоятся 26 октября 2010 года в 11.00 час.**

Вниманию претендентов! В случае непродажи вышеуказанных оборудований на аукционных торгах 26 октября 2010 г. извещаем, что повторный аукционный торг по продаже данных оборудований состоится 16 ноября 2010 г. Информацию по участию на аукционных торгах Вы можете получить по телефону 228-79-52 или на официальном веб-сайте биржи **www.rkmb.uz**.

С оборудованиями можно ознакомиться непосредственно на месте в присутствии соответствующих представителей отдела судоисполнителей. Приём заявлений прекращается за один день до проведения аукционных торгов.

Претенденты, желающие участвовать на аукционных торгах, согласно залоговому соглашению, заключенному с организатором торгов, должны внести залоговую сумму за каждый объект отдельным платёжным документом в размере не менее 10% от стартовой стоимости на расчетный счет РБН с указанием даты и номера исполнительного документа в платежном документе. Р/с: 20210000300571452114 в Сагбанском ф-ле. ОАИКБ «Ипак Йули», МФО: 01036, ИНН: 200933850. Адрес: г.Ташкент, С.-Рахимовский р-н, ул. М.Уразбаева, д.1А. Тел. 228-79-52. **www.rkmb.uz**.


***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

